



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

# ЖАМИЯТ

№ 40-41 (861)  
2023 йил  
12 октябрь,  
Пайшанба

[www.bong.uz](http://www.bong.uz)

@jamiyatgzt@mail.ru

[t.me/bonguz1](https://t.me/bonguz1)



## ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕК БАҲОДИРИ

Ханчжуу шаҳрида XIX ёзги Осиё ўйинлари яқунланди. Ўзбекистон делегацияси 22 та олтин, 18 та кумуш ва 31 та бронза, жами 71 та медаль қўлга киритиб, 45 мамлакат орасида 5-ўринни эгаллади. Ушбу медаллар орасида бокс бўйича 92 килограммдан ортиқ вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Баҳодир Жалоловнинг олтин медали ҳам бор.

— Ҳар бир спортчи халқаро майдонларда ўз Ватани байроғини баланд кўтаришни орзу қиласди, — дейди бокс бўйича амалдаги қитъя ва жаҳон, Олимпия ҳамда Осиё ўйинлари чемпиони Баҳодир Жалолов. — Мусобақада ғалаба қозониб, байроғимиз кўтарилиганда қалбимиз чексиз ғурур ва ифтихорга тўлади. Мен ўз олдимга қўйган мақсадларими амалга оширмоқдаман. Спорт

билин шуғулланган чоғимда Олимпия ва Осиё ўйинлари, қитъя ҳамда жаҳон чемпиони бўлишни орзу қиласди. Бугун эса бу орзуларим ушалди. Она Ватанимиз байроғини барча иирик мусобақаларда кўкка кўтардим. Эндиғи мақсадим профессионал боксда жаҳон чемпиони бўлиш ва Париж Олимпиадасида ғолиб бўлиб, тарихга киришдир. Бу мақсадларим амалга ошишида барча им-

кониятлар муҳайё ва мен улардан албатта, унумли фойдаланаман.

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида спорт ва жисмоний тарбияни янада оммалаштириш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратиш борасида олиб борилаётган ишлар самарасида бугун бир катор алпқомат, билагида тоғдек кучи бор, руҳан ва маънан тетик, ҳар томонлама мукаммал спортчилар камол топмоқда.

Улардан бири бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, ҳаваскор ва профессионал рингларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган Баҳодир Жалоловдир.

(Давоми 4-саҳифада)

## ТИНГЛАНГ, ЗАЙНАБ КУЙЛАМОҚДА

Эй, Ватан, тупрогинг азиздир манга,  
Ман санда топмишам саодатимни.  
Кўзимни дунёда очганимда  
Онамни кўрмишам, сани кўрмишам.

Шуҳратим, эй Ватан, жоним, эй Ватан.  
Сан мани отимни эллара ёйдинг.  
Юрагим, эй Ватан, жоним, эй Ватан.  
Ман шоир ўлмасдим – сан ўлмасайдинг  
Сулаймон ўлмасдим – сан ўлмасайдинг.




Ана шундай куйлайди у Ватан ҳақида. Озарбайжоннинг машҳур шоири Сулаймон Рустамнинг бу мисралари хонанда ижросида унинг ўз сўзидай, юрак қатларидан отилиб чиқкан нидо каби бўлиб янграйди. Шунинг учун унинг қўшиклари тингловчи қалбига етиб боради, юрагида Ватанга муҳаббат

туйгусини жўштиради, уни бефарқ, лоқайд қолдирмайди. Ватани, халки уни ардоқлайди, у эса ҳар доим, ҳар ерда жонажон Ватанини, она халқини улуғлайди, ўз қўшиклари билан унинг шуҳратини оламга ёяди.

Озарбайжоннинг машҳур хонандаси Зайнаб Хонларова ўз услугига эга санъаткор. Уни бошқа хонанда

билан адаштириш мумкин эмас. Қўшиқ шинавандалари уни овозидан, куйлаш услубидан бемалол танишили.

(Давоми 16-саҳифада)



Мулоҳаза

МИЛЛИОНТА  
“МЕН”ДАН  
БИТТА АҲИЛ  
“БИЗ” БЎЛСАК

ёхуд Ватанидан  
нолийдиганларга  
бир сўз

Икки Ренессанс узра турган Ўзбекистон гербида Ҳумо қуши боқяпти. Бу тасодиф эмас. Ҳумо – жаҳон цивилизация марказларидан бири, қадимий ва навқирон Ўзбекистон рамзи – Ренессанс рамзи. Маданий код. Маданий код бу – аждодлардан мерос қолган ноёб маданий хусусиятлар. Улар халқнинг рамзларида, гоҳ англанган, гоҳ англанмаган ҳолда хулқатвор, одатларида намоён бўлади. Маданий код ўзбекча айтганда “асли қонида бор нарса”га тўғри келади. Шундай экан, Янги Ўзбекистонда қайта тикланиш тажрибасини қаердан излашимиз керак? Бу саволга жавобни ҳазрат Алишер Навоий тайинлаб кетган: “Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил”.

Аждодларимиз жаҳон ахлига диний ва дунёвий илмларнинг аслини ўргатган. Дунёнинг етук олимлари бизнинг боболаримиз билан бирга чой ичгани, танишлиги, шогирдлиги, китобларини ўқигани билан фаҳрланишган. Бизга бугун мана шу шон, мана шу шараф дарвозаси қайта очилмоқда. Муборак бўлсин, қўзлари ушбу сатрларда турган хурматли ватандошим.

(Давоми 3-4-саҳифаларда)

Экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда табиий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатимизда узлуксиз экологик таълим тизимини самарали йўлга қўйиш орқали аҳолининг экологик маданиятини ошириш мумкин.

Аҳоли, айниқса, узлуксиз таълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчи ва талаба ёшларда экологик онг ва маданиятни шакллантирмасдан, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасига сарфланаётган ҳар қанча маблағлар билан муаммоларни бартараф этиб бўлмайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилюна фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолат сифатини ошириш учун куляй шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 31 майдаги тегишли фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиб, олий таълим, фан ва инновациялар ҳамда мактабгача ва мактаб таълими вазирларни билан келишув имзолангани бу борада айни мудда бўлди.

Ушбу чора-тадбирлар режасига асосан таълим муассасаларида ёшларнинг табиатга бўлган меҳри-

## ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ – ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ни уйғотиш, уларни табиат химоячиси сифатида тарбиялаш, ёш экологлар сафини кенгайтириши мақсадида жорий йилнинг 9-10 августан кунлари Қашқадарё вилоятидаги “Лочин” болалар оромгоҳида “Ёш экологлар” ҳаракати курултой ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридан 100 нафарга яқин эковолонтёр ёшлар жам бўлган курултойда йигит-қизлар орасидан 14 нафар худудий координаторлар, 3 нафар Республика Кенгаши раиси ва ўринbosарлари сайланди.

Шунингдек, экологик таълим ва маданиятни ривожлантириш мақсадида тарихий шаҳарлар шу жумладан, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларида йирик анжуманларни ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ҳолда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилди.

Умумтаълим мактабларининг Миллий ўқув дастури асосида яратилаётган янги авлод дарсликлигига экологик саводхонлигини оширишга оид жами 132 соат киритилди. Ҳозирда 10 118 та умумий ўрта таълим муассасаларида 31

916 та экологик-биологик тўгараги ташкил этилган бўлиб, уларда 473 968 нафар ўқувчи ёшлар жалб қилинган. Тўгаракларда атроф-муҳит муҳофазаси ва чиқиндилардан оқилюна, сув ва электр энергиясидан мақсадли фойдаланиш каби мавзуларда машғулотлар ташкил этилади.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида 219 та “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолият кўрсатиб, уларда 306 минг нафардан ортиқ ўқувчилар жалб қилинган. Қолаверса, “Баркамол авлод” болалар мактабларининг 79 номдаги тўгараклар ўқув дастурлари янгиланиб, экология ўйналишидаги “Ёш эколог ва табиатшунос”, “Флористика ва фауна”, “Экодизайн” ва “Атроф-муҳит муҳандиси (инженер эколог)” тўгараклари ўқув-дастурлари ишлаб чиқилиб тақомиллаштирилди.

Айни чоғда 5 200 та умумтаълим мактабларида “Экология бурчаклари” ташкил этилиб, улар зарур материаллар билан таъминланмоқда. Бу жараёнда табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш масалаларини онгли равишда ҳал этиш учун оила, таълим муассасаларида ёшларга табиатга

меҳр-муҳаббат руҳини шакллантириш, экологияга оид билимларни улар шуурига сингдиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам ўз натижасини берәтирир.

Атроф-муҳитнинг тозалиги бизнинг саломатлигимиз ва фаровонлигимиз асосий омилларидан биридир. Шу маънода, Президентимизнинг 2023 йил 31 майдаги тегишли қарорига мувофиқ Экология вазирлиги хузурида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) ташкил этилгани айни мудда бўлди.

Ишончим комилки, бу саъй-ҳаракатлар иқлим ўзгариши ва унинг салбий таъсирини камайтириш усуллари ҳақида ёшлар ўртасида хабардорликни ошириш, кундаклик ҳаётда янада барқарор амалиётларни қабул қилинишига ундаиди. Ёшлар табиат ҳақидағи билимларни эгаллаб, теварак атрофнинг нозиклигини, унинг гўзалликларини қалбан ҳис қила олсагина, она-Ватанга, унинг табиатига муҳаббати ошади.

**Камолбек ЖУМАНИЁЗОВ,  
Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати**

## БИР КУНДА 22 ТА ДАРАХТ КЕРАК

Тадқиқотларга кўра, бир кунда бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 22 та дарахт керак. Ҳар бир дарахт ҳаёти давомида 1000 кг атрофида карбонат ангидрид газини ютади. Дарахтларнинг тупроқ эрозиясининг олдини олиши, шовқинларни камайтириши, одамлар ва ҳайвонот дунёсини күёшдан химоя қилиши ҳамда бошқа фойдали жиҳатлари ҳақида кўп ёзиш, гапириш мумкин.

Бироқ бальзан оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда дарахтларни ноқонуний кесаётган хукуқбузарлар болтани дарахтга эмас, балки ўз ҳаёти ва саломатлигига ураётганига гувоҳ бўлиш ачинарли ҳолдир.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги хукуқбузарликлар ва ноқонуний хатти-ҳаракатлар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигидаги Давлат экологик назорат инспекцияси мутахассислари томонидан назорат қилинади.

Президентимизнинг 2023 йил 31 майдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2023 йил 1 июлдан “Жамоатчилик экология назоратчisi” тизими жорий қилинди. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўялиги соҳасидаги конунчиликка риоя этили-

ши ва унинг ижроси устидан назоратга маъсул бўлган Бош прокурор ўринbosари лавозими киритилди.

Ўрни келганда айтиш керак, қўмитамиз юқоридаги инспекция вакиллари билан тегишли ахборотлар алмашинуви соҳасида яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб келади. Ҳамкорлигимиз доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалдаги қонунчиликнинг ижросини таҳлил килиб, улардаги камчилик ва бўшлиқларни биргаликда аниқлаб борамиз.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўзида инспекция томонидан соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган 26 610 нафар шахслар аниқланган. Қонунбузарликларнинг сони эса 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 81 фоиз, белгиланган жарималар суммаси эса 104 фоизни ташкил этган. Айнан дарахт ва буталарни ноқонуний кесган 2533 нафар шахсларга нисбатан 10,6 млрд. сўм жарима ва заарлар белгиланган.

Бу нима дегани? Бу, жамоатчилик ва давлат назорати кучайтирилиши натижасида хукуқбузарликлар сони ўтган йилга нисбатан камайгани, айни пайтда жарималар миқдори оширилганини англатади. Энг муҳими, бугун жамоатчиликка экологияга зарар етказганларга нисбатан муросасиз ва қонуний курашиш бўйича ўзига хос қўникма шаклланди.

Шундай қилиб, барқарор ривожланиши таъминлаш, биологик хилма-хилликни ва аҳоли саломатлигини асрар, шунингдек, келажак авлодлар хукуқларини химоя қилишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология соҳасидаги талаб ва стандартларга риоя этилишини назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Атроф-муҳит ва экологияни муҳофаза қилиш барқарор ривожланиши ва табиий ресурсларни келажак авлодлар учун сақлашни таъминлашда ўта муҳим рол ўйнайди. Ушбу соҳадаги талаб ва стандартларга риоя этилишини назорат қилиш экологик оғатларнинг олдини олади.

**Моҳира ХОДЖАЕВА,  
Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати**



(Боши 1-саҳифада)

## Тарбиянинг янги концепцияси?

2019-йилнинг 31-декабр куни “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” тасдиқланди. 30 ёшгача бўлган ўкувчи-ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, хукуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнацеварлик каби таянч фазилат ва ижтимоий компетенсиялар ривожлантирилади. Бу хислатлар оиласидаги тарбияга, ижтимоий буюртмага айланади. Шу вақтгача натижаси мавхум бўлиб келган тарбия мана шу таянч фазилатларда аксини топади. Мукаммал компетенсия-фазилатлар билан мустақил ҳаётга кириб борган ўғил-қизларимиз ўзини ҳам, Ватанини ҳам баҳтли қиладилар.

Ҳаммамизнинг фарзандимиз бор. “Узлуксиз маънавий тарбия концепция”сининг инновационлиги нимада? Илгари “Ўзбекистоннинг 1-18 ёшгача бўлган болалари, ўсмиirlари ёшига мос қандай маънавий талабларга жавоб бериши керак?”, “Бир йиллик тарбиянинг натижалари қандай бўлди?”, деган аниқ савол қўйилмаган. Қўйилса ҳам, “Ҳамкорликда кўп тадбирлар ўтказдик. Энди, болалар катта бўлса, маълум бўлади-да, тарбияси”, деган фикрлар билдирилган. Ёки 5-6 нафар иқтидорли ёшларни кўрсатиб, тарбиявий ишлар ютуғи, дейилган. Бугунги уюшмаган ёшларимиз ана шу ноилмий тарбиянинг жабрдийдалари.

Болалар ғайратли, рақсга тушишар, шеърни қўзлари ёниб, тўтидек ўкишар, бироқ шеър, рақс тугагач, қўзлари бўм-бўш, ҳамма қатори бўлиб қолишар эди. Чунки тарбия оғзаки эди. Амалий эмасди. Фазилатлар тренингларда ўргатилмас, шу сабаб натижага фазилатга айланмасдан, билим даражасида қолиб кетар эди. Шунинг учун бугун 15-20 ёшли болаларимизнинг хулқи бизни ранжитаётган бўлса, бунга улар айбор эмас. Уларнинг билмаслиги – тушунтирилмаганидан, қилмаслиги – ўргатилмаганидан: ватанпарварлик ҳам, чой сузиш ҳам, уялиш, масъулият, салом бериш ҳам.

“Ёшларимиз Учинчи Ренессансга хизмат қилишга тайёрми?” деган саволга эндиам “Ҳамкорликда кўп тадбир ўтказганимиз. Натижаси эса болалар катта бўлса билинади-да”, дейиш ўзини алдашdir. “Ҳа энди, тарбия, маънавиятни ўлчаб бўлмайди-да. Бошиям, охириям йўқ-

ку”, дейиш тўхтайди. Миллий фоянинг тарбияга қандай жорий бўлаётгани амалда, ҳамма жойда, болаларимиз фазилатларида хар куни ёшига мос кўриниб, эшишиб туради.

Маънавият ва маърифат, мафкуравий тарбия бизга Ватанинг ўғил-қизлари сифатида ишлаш ва яшаш бурчини эслатади. Учинчи

Хуллас, Учинчи Ренессанс маънавияти ёшларимизни, ҳалқимизни инновацион фикрлашга, ўйлашга, яшашга ўргатишни талаб қилади. Бунинг учун нафакат болалар боғчалари, мактаб, лицей, институтлар, балки оиласидарда ҳам

Масалан, ҳалқ ўз ватандош тадбиркорларини, тадбиркорлар ўз ҳалқини қўллаб-куватлаши керак. Миллионта “Мен”дан аҳил битта “Биз”га кўтарилиш умумхалқ характеристига айланishi керак. Афсуски, бунинг акси ҳам учраб туради. Ўтган йиллар ҳайит байрамларида мамлакатимизнинг айрим шахарларида нарх-наво икки карра кўтарилиганини кўрдик. Баъзи шахарларда эса бир неча бор туширилганига ҳам гувоҳ бўлдик. Бу ҳолат пан-

# МИЛЛИОНТА “МЕН”ДАН БИТГА АҲИЛ “БИЗ” БЎЛСАК

**ёхуд Ватанидан  
нолийдиганларга бир сўз**

Ренессанс нима учун, ким учун кераклигини ҳалқка унинг орзулари билан боғлаб уқтиради, кўрсатади. Тушунган ҳалқ – ғоя билан куролланган ҳалққа айланади. Ўз миллий фоясини англаган ҳалқни эса тўхтатиб бўлмайди.

### Гонорар – ҳар сатрга бир олтин танга


Тарихда бир кишининг инновацион фикрлаши бутун бошли ҳалқни ҳалокатдан сақлаб қолганига мисоллар бор. Дунёдаги энг катта гонорар ИИ асрда Рим императори Марк Аврелий томонидан шоир-методист Оппианга берилган. Оппиан севги, ишқий ўртанишлар ҳақида эмас, балиқчилик ва ов қилиш қоидалари ҳақида 20 000 байтили икки достон ёзган эди. Император ҳар бир сатри учун бир олтин тангадан қалам ҳаққи беради. Чунки одамлар бу достонларни ўқиб, куйлаб, эшишиб, балиқ тутиш, ов қилиш қоидаларини ўрганиб олишди. Мана шу битта артпедагогик инновация ҳалққа балиқ тутиш маҳоратини ўргатиб, очликдан сақлаб қолган.

болаларимизни инновацион фикрлашга ўргатиш ҳам фарз, ҳам қарзга айланмоғи мақсадга мувофиқдир.

Миллий ғоя – ҳалқ орзузи, ниyatining ifodasi. Миллий ривожланишнинг янги талабларидан келиб чиқиб янгиланиб туради. Ўз чиқишиларидан бирида Президентимиз “Миллий ғоя нима учун керак?”, деган саволни ўртага ташлади. Жавобини ҳам бир жумлага жо қилиб, “Ватанини севиш учун!”, деди. Учинчи Ренессанс биздан ана шу севгини – Ватанини ўйимиздек, ҳалқимизни оиласидек севишни сўрайяпти. Чунки фақат севги инсонни янги, яхши келажак яратишга сафарбар қилади, мададкор бўлади.

### “Мен” ва “Биз” уйғунлиги

Президентимиз ўз чиқишиларидан бирида “Курашга тайёрланган, курашган одам ютади”, деган эди. Учинчи Ренессанс биздан қийинчиликларга қарши курашга тайёр бўлишимизни тақозо қилади. Бу тайёрлик барча соҳаларни қамраб олиши ва ҳамма жойда, ҳар биримизда намоён бўлиши лозим.



демия шароитида талабаларга такси хизмати кўрсатилишида, дори савдосида ҳам учради. Кимдир бепул, савоб учун, ватандош им деб хизмат қилса, кимдир нархни икки-уч маротаба ошириди. Ҳар бир ўзбекистонликнинг бир-бирида ватандошлик ҳаққи ва бурчи бор-ку.

Демак, миллий ғоя – мотивациянинг таъсири, рўёби иқтисодиётда, кундалик ҳаётда кўриниб турса, Учинчи Ренессанс йўлида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар аҳил бўлса, қарс икки қўлдан чиқса, биз янада бирлашамиз.

Миллий ғоя одамларга Учинчи Ренессанс ким учун, нима учунлигини, аҳамиятини тушунтиради. У берган мотивация ётганни – ўтиришга, ўтирганни – туришга, турганни – юришга, юрганини – югуришга ундейди. Рағбат беруб, шавқлантиради. Чунки “нега”лигини билмаган, тушунмаган одамлар бирлашмайди. Қўшилса ҳам, кўр-кўронга, юзаки ишлайди. Бири ишласа, иккиси томошабин бўлади. Миллий ғояда ўз манфаатини кўрганлар бирлашиб, ихтиёрий, завқ билан ишлайди. Натижада ҳаётидан рози бўлади.

Миллий ғоямизнинг ижтимоий мазмун-моҳияти бир сўзда айтилса, бу сўз – розилик. Мазкур тушунча Учинчи Ренессансни

тушуниш ва тушунтириш, амалга ошириш учун фундаментал, жип-слаштирувчи асос бўлади. Зеро, миллий ғоя рўёби халқнинг муайян вақт ва маконда ўзини баҳтли деб ҳис қилишида, бу эса унинг шукроналарида – ҳаётдан розилигига намоён бўлади.

Албатта, барчасига эришиш учун аввало тинчлик, мустақилликни жон қадар мустаҳкам, кафолатли химоялашимиз керак. Мустақиллик ҳарбий, ғоявий ва сиёсий жиҳатлардан химояланади. Бунда ҳам ўтмишдан сабок чиқариш керак. Биз ҳар гал мустамлака бўлиб, оёқ-қўлларимизга кишан тақищганида бир нарсадан афсусланганмиз – халқнинг бирлашмаганидан. Халқнинг бирлашмагани сабаби, ҳаммани “Биз” деган байроқ остига бирлаштирадиган ғоя бўлмагани. Натижада, “Биз” бўлиб енгадиган куч “мен”ларга парчаланиб, мағлубиятга учраганимиз.

Бугун бизда “мен”ларни “Биз” қиласидиган ғоя бор. Бу Учинчи Ренессанс ғояси. Қурилаётган Учинчи Ренессанс пойdevорини ғоявий химоя қилишимиз керак. Биз уни превентив, ўз вақтида химоя қилмасак, бузишлари мумкин. Чунки бизга узоқлардан аламнок тикилиб, давлат ва халқ орасига пона қоқишига уринаётганлар бор. Бу маънавий, ғоявий хужум. Уларга жавоб беришимиз ва жавобимиз илмий асосда бўлиши керак. Нима учун? Чунки илмий асосда бўлмаса, биз қилаётган тадбирлар бир марталик, ўткинчи бўлиб қолади. Шу маънода миллий ғоя тарғиботини илмий асосга қуришга қаратилган саъй-харакатлар ниҳоятда зарур.

### Тараққиёт мухолифлари

Ўзбекистонда Учинчи Ренесанс ибораси ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилина бошланди. Кимлардир “Мана бу бошқа гап” деб, ўрнидан туриб, олқишлиди. Кимдир мамнун жилмайди. Кимлардир ўйланиб қолди. Кимлардир... саросимага тушди.

Афсуски, ҳамма кўриб турган нарсаларни кўрганда ҳам “кўрдим” демайдиганлар бор. “Фасебоок”, “ЮТубе” сахроларида саргардон, қилмишларидан дили тўла армон, ёмонламаса оч қоладиган кўролмасвойлар бор. Уларни ислохотларимиз шиддати довдиратяпти, ҳансиратяпти. Оддий оилаларнинг болалари талаба бўлаётгани уларни ўртаяпти... Ўз давлатидан рози ота-оналарнинг дуолари ёндирияпти уларни. Инчинун, Ўзбекистонда ҳамма

соҳада тўхтовсиз юксалиш, янгилашиб, яхшиланиш ва ўйғониш.

Ана шундайларнинг нафасларидан тарқаладиган ғоявий вируслардан келажак авлодни ҳимоя қилишимиз лозим. Бундан ҳам яхшиси – ёшларимизни ёт ғоялардан, ёвуз кучлардан ўзини ҳимоя қилишга ўргатайлик. Чунки билимсиз ёшлар кўп ва тез алданади. Билимсиз йигит-қиз, ёш файласуф олим Отабек Бозоров ёзганидек, дисплейдаги фирибгарнинг соҳта самимияти, ширин сўзига учади. Адашади. Алданади. Фирибгарлар чиройли кулиб, табассум билан ёқимли сўзласа, содда ўзбек эриб кетишини яхши билади. Ана шунда танқидий, таҳлил деворидан ошиб ўтса бўлди, ўлжа кўлда.

Бизнинг Учинчи Ренессанс ҳақидаги эзгу ниятимизни эшитган айримлар ўртамоқда. Уларга ҳам қийин. Фитна-фасод қилмай деса, тириклик қилиш керак. Фитнасини факт билан урсанг, “Нега?” деб ёзгиради. Кор ёғса ҳам, ёғмаса ҳам, қуёш чиқса ҳам, шамол эсса ҳам, тинса ҳам, Ватанини ёмонлайди. Маънавиятни ёмонлайди. Уйсизлар уйли бўлаётганини, ночор одамнинг аҳволи ўнгланаётганини мисоллар келтириб, мамнун кайфиятда яратилаётган қулайликларни, халқ ризоликларини гапириб, бугунги ислоҳотларнинг натижаларини келтирсанг, кўролмасвойларнинг фикрича, маддоҳ бўларкансан. Кўриб, кўрмадим деб, жим, ношукур юрсанг, уларга дўст бўларкансан. Кўшилиб ёмонласанг, биродар, жонажонсан. Бугунги фирибгар алдаш илми – нейролингвистик дастурлаштиришнинг ҳадисини олган. Демак, ҳар бир йигит-қиз бу дастур нималигини ҳам олдиндан билиб қўйиши керак. Тренингларда ёшларимизга билимни қалқон этиб ўзини ҳимоялашни машқ қилдириб, ўргатиб борайлик.

“Мен”ларнинг Ватан, миллат келажаги учун “Биз”ланиши таълим-тарбия ва фанга инвестиция Farb сивилизациясини кескин иқтисодий гуллаб-яшнатди. Бу – инсон капиталига киритиладиган педагогик инвестиция. Мазкур инвестициянинг афзаллиги шундаки, инсонга бир марта эмас, бир умр фойда келтиради. Ҳар бир йигит-қизга ҳаётда ўз ўрнини топишни ва ўзини ўзи баҳтли қилишни ўргатади.

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**  
**Республика Маънавият**  
**ва маърифат маркази**  
**рахбарининг**  
**биринчи ўринбосари**

### (Боши 1-саҳифада)

Баҳодир Жалолов 1994 йилнинг 8 июль куни Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида туғилган. Оиладаги соғлом турмуш тарзи, отасининг спортга бўлган қизиқиши сабаб дастлаб, футбол билан профессионал тарзда шуғулланди. Сўнгра отаси 13 ёшли ўғлини Чирчиқ олимпиya заҳиралари коллежига олиб борди ва у ерда мураббийлари Рустам Саидов ва Тўлқин Қиличевдан бокс сирларини ўрганди.

## ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕК БАҲОДИРИ



– Отам ёшлигига катта курашчи бўлган. Қаерда кураш бўлса, даврага чиқсан. Лекин у пайтлар спорт билан шуғуланишга бугунгидай шароит бўлмаган, шу боис отамнинг дунё спорт майдонларига чиқиш орзуси ушалмай қолиб кетган, – дейди Баҳодир. – Мен спортчи бўлиб етишишимга унданған фақатгина бир мақсад – отамнинг орзусини амалга ошириш эди. Бироқ мусобақаларда рингга кўтарилиганимда ушбу мақсад билан биргалиқда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ва байробимизни янада юксалтириш каби ҳиссиётлар қалбимни эгаллади.

Тажрибали мураббийлардан чарм қўлқоп сир-асрорларини ўрганган Баҳодир 2009 йили Жиззахда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Гарчи у олтин медални қўлга киритмаган бўлса-да, тушкунликка тушмади, машғулотларга зўр берди.

Ёшлар ўртасидаги мусобақаларда тобланган боксчимиз 2013 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида голиб бўлди ва қаторасига уч йил мамлакат биринчилигига унга муносиб рақиб топилмади.

2013-2014 йилларда у Германия, Болгария, Беларусь, Озарбайжон сингари давлатларда ўтган бир қатор халқаро турнирларда шоҳсупанинг энг юкори погонасига кўтарилилди.

2015 йили Қатарнинг Доҳа шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида вазни 91 килограммдан оғир бўлган боксчилар баҳсида бронза медални қўлга киритди. 2016 йили Хитойда ўтказилган Олимпиадага йўлланма берувчи нуғузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, Бразилияда ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш хукукини қўлга киритди. Мазкур мусобақада 22 ёшли боксчимиз чорак финалига қадар этиб борди. 2017 йил Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди ва бир қатор халқаро турнирларда иштирок этди.

Истеъодли боксчимиз учун 2019 йилги спорт мавсуми ҳам омадли келди. У дастлаб, Таиланднинг Бангкок шаҳрида апрель ойида ўтган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Сўнгра сентябрь ойида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёр гарлик кўриш мақсадида бир қатор халқаро турнирларда иштирок этди. Ўша йили Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида 6-22 сентябрь кунлари бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида 91 килограммдан ортиқ вазн тоифасида иштирок этган Баҳодир Жалолов барча рақибларини енгил, жаҳон чемпиони бўлди. Чемпионатнинг энг яхши боксчиси деб топилди.

Баҳодир 2021-2023 йилларда бир неча халқаро турнирларда голиб бўлди. Жумладан, 2021 йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Осиё чемпионати, Японияда ўтган Токио Олимпиадасида олтин медални қўлга киритди. Жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳри мезбонлик қилган жаҳон биринчилигига барча рақибларидан устун келиб, шоҳсупанинг энг юкори погонасидан жой олди.

Чин ўлкасида ўтган Осиё ўйинларида амалдаги жаҳон ва Олимпия ўйинлари чемпиони Баҳодир Жалолов қозогистонлик Камшибек Конкабаевни енгил, олтин медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистоннинг бокс бўйича халқаро даражадаги ютуғи кундан-кунга ортиб бормоқда. Мазкур спорт турини янада кенг оммалаштириш ва “устоз-шоғирд” анъанаси орқали ёш боксчиларни етишиши мақсадида профессионал боксчиларнинг мактаблари, хусусан, Президент қарори билан Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби ташкил этилди.

Унинг бу улкан ғалабалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан муносиб баҳоланмоқда. Давлатимиз раҳбари енгилмас спортчимизни 2019 йили “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони, 2021 йили “Фидокорона хизматлари учун” ордени ва 2023 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан тақдирлайди.

Ха, бугун Баҳодир Жалолов эришаётган улкан ютуқларга ҳавас қилса арзиди. Бир спортчи учун орзу бўлган улкан зафарлар унда бор. Унинг бу ғалабалари мамлакатимизда спортга қаратилган улкан эътибор ва ушбу соҳада олиб борилаётган тўғри сиёсат самарасидир.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**  
**ЎЗА мухбари**

### Спорт

Замонавий Ўзбекистон ривожига қизиқиш мамлакатлар ва давлат арбоблари, экспертлар ҳамда кенг доирадаги ҳалқаро жамоатчилик орасида ортиб бораётгани, шубҳасиз. Бу дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечайтган, турли воқеа ва тенденциялар шароитидаги ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келган — бир тарихий давр ниҳоясига етиб, башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланган палладаги қатор сабаблар билан белгиланади.

Хусусан, бугун мамлакатимиз мухим трансформация босқичида турибди, Янги Ўзбекистон — инсон манфаатлари олий қадрият бўлган демократик давлатни барпо этиш йўлидан бормоқда.

Мамлакатимизни 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия қабул қилинган ва ундаги юксак мақсадлар ҳалқаро ҳамкорларнинг салоҳиятини жалб қилиш орқали амалга оширилади.


Бу ўзгаришларда ташқи сиёsat, хусусан, Германия билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутиди. Кейинги йилларда товар айирбошлиш ва саноат кооперацияси кўрсаткичлари икки баробар ўси. Мамлакатимизда Германийнинг “Volkswagen”, “MAN”, “CLAAS”, “Siemens”, “Linde”, “Aurubis”, “Henkel”, “Knauf”, “Papenburg”, “Deutsche Kabel” ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари муваффақиятли иш олиб бормоқда. Тоғ-кон, энергетика, кимё, электротехника, тўқимачилик саноати ва инфратузилма бўйича янги лойиҳалар портфели шакллантирилган.

Парламентларо алоқалар ҳам фаоллашган. Турли даражадаги парламент делегацияларининг ташрифлари алмашинуви йўлга қўйилиб, Ўзбекистон ва Германия парламентларининг дўстлик гурухлари ва ихтинослаштирилган қўмиталари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Берлин шаҳрига ташрифи ана шундай ҳалқаро қизиқишнинг ёрқин ифодаси бўлиб, давлатимиз раҳбари ушбу ташриф доирасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан учрашуvida иштирок этди.

Украшувда конструктив сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманистар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий хавфисизлик ва барқарор тараққиётни, шу жумладан, Европа Иттифоки дастурлари доирасида таъминлашнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида “Марказий Осиё — Германия” форматидаги ҳамкорлик истиқболларига алоҳида тўхталди. Узоқ муддатли ҳамкорликнинг умуммintaқавий аҳамиятга эга устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилди. Булар — инвестициявий, инновациявий ва технологик алоқалар ва алмашинувни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш, хомашё ресурсларини чукур қайта ишлаш, транспорт-ком-



Ўзбекистон — Германия:

## ИШОНЧЛИ ВА СИНАЛГАН ШЕРИКЛИК

муниципијавий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, “яшил” кун тартибини илгари суриш, Германия стандартларига мувофиқ турли тармоқлар учун мутахассисларни тайёрлаш, Афғонистон аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатиши.

Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари Германия томонининг Марказий Осиё ва Германия ўртасида стратегик минтақавий шериклики йўлга қўйиш, ушбу форматда мунтазам учрашув ва маслаҳатлашувлар ўтказиб бориш таклифини кўллаб-куватладилар.

Ташриф доирасида Президент Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг икки томонлами учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Жорий йил май ойида Германияга амалий ташриф давомида ўтказилган сермаҳсул музокараларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президентининг Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси шафелигида ташкил этилган Иқтисодий форум ишидаги иштироки эса ижобий резонанс уйғотди. Ўз навбатида, Ўзбекистон, Германия компаниялари билан бир қатор истиқболли йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришни таклиф қилмоқда. Жумладан, харидоргир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун кооперацияни ривожлантириш, мамлакатимиз муқобил энергетикани ривожлантириш борасида германиялик ҳамкорлар билан муваффақиятли тажриба ва истиқболли кооперация лойиҳалардан манфаатдор.

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар Германия компанияларининг қизиқишини оширмоқда. Бинобарин, глобал миқёсдаги инвестициялар учун жиддий рақобат мавжудлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Шу маънода қабул қилувчи мамлакатда хорижий бизнес учун шароитни мунтазам яхшилаб бориш зарурати нуқтаи назаридан айни йўналишдаги ишларни давом эттириш жуда муҳим, деб ўйлайман.

Айтиш жоизки, иқлими, суви, тупроғи, об-ҳавоси бизнидан фарқ қиласидан Германияда Ўзбекистоннинг ажойиб табиати, саҳий қуёши маҳсули, миришкор дехқон, моҳир

боғонларимиз қўли билан етиштирган мева-сабзавот, айниқса, немислар яхши кўрадиган хўл ва қуритилган мева, соф пахта-ю тоза ипакдан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари, тикилган тайёр кийим-кечак, шунингдек, саноат маҳсулотлари жуда харидоргир. Юртимиз қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларига Германия компанияларининг энергия самарадор ва рақамили технологияларини жалб қилишга тайёр.

Давлатимиз раҳбарининг бўлиб ўтган ушбу ташрифи якунларини умумлаштирган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, “Марказий Осиё — Германия” формати очиқ мулоқот ҳамда минтақа мамлакатлари ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг янги кун тартибини шакллантириш учун самарали майдонга айланмоқда. Ташриф давомида ишбилармонлик соҳасидаги шериклики кенгайтириш, иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, энергетика ва бошқа соҳаларда кооперацияни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари қўшма иқтисодий тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш, муқобил энергетикани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари бошқарувини рақамлаштириш, хомашёни чукур қайта ишлаш, молиявий воситаларни кенгайтириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, миграция ва кўчувчанлик соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича қатор аниқ таклифларни илгари сурди. Шу тариқа, Ўзбекистон бундан кейин ҳам мамлакатимиздаги ишбилармонлик ташабbusлари ва қўшма инвестиция лойиҳаларига ҳар томонлама кўмаклашишга, Германия бизнеси учун катта имкониятларни тақдим этишга тайёрлигини амалда тасдиқлади.

Бир сўз билан айтганда, Берлинда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия етакчиларининг олий даражадаги биринчи саммити ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан бойитган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик учун янги имкониятлар эшикларини очади. Шу маънода, ушбу ташрифни мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга янги суръат бағишлайди, деб баралла айта оламиз.

Актам ХАИТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
Спикери ўринbosари

Ёдингизда бўлса “XXI asr” газетасининг шу йилги 32-сонида (санаси 3 август) журналист Рўзимбой Ҳасанинг “Анна Герман Урганчнинг “ўгай” қизи(ми)!?” сарлавҳали танқидий мақола босилиб чиққач, анчагина шов-шувларга сабаб бўлди. Боиси, жуда қисқа муддат ичида Хоразм вилояти ҳамда Урганч шахри ҳокимликлари матбуотдаги бу асосли чиқишга эътибор қаратиб, мақолада кўтарилиган муаммони ижобий ҳал қилишди. Албатта, масъулларга ташаккур айтиш керак.

## МАТБУОТ ХИЗМАТИГА “ЎГАЙ” МАТБУОТ

Танқидий мақоламизда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 3 май санасидаги “31/1-990” рақамли чора-тадбирлар режасининг 32-бандида Урганч шахридағи 1-сон болалар мусиқа ва санъат мактабига Анна Герман номини бериш ва ҳовлисига ёдгорлик ўрнатиш белгиланган бўлса-да, ўтган икки йилдан ортиқ вақтда бу масалага эътибор қилинмаётгани тилга олинганди.

Урганч шаҳар ҳокими зудлик билан фармойиш чиқариб, ҳайкални тайёрлашга ва ўрнатишга кетадиган тегишли маблағни ажратди ва 25 августда — Анна Герман вафот этган куни ёдгорлик ўрнатилди!

Яхши-я!

Албатта. Қувонмай бўладими!

Буни қувонч билан ёзаётганимиз сабаби — сўнгги йилларда идора-ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар вақтли матбуотда чоп этилаётгани танқидий чиқишларга эътиборсизлик билан қараб келаётгани инкор қилиш қийин бўлган ҳақиқат эди. Бирор тумандан тайёрланган танқидий материал хусусида матбуот хизмати раҳбарига боғланишимизга тўғри келганда, одатда, улардан бир хил қолипдаги жавобни эшитишга ўрганиб қолганмиз: “Ия, қачон чиқди? Хабарим йўқ экан!”

Президентимиз фармони билан идора-ташкилотлар, туман ҳокимликларида матбуот хизмати ташкил қилинганига тўрт йилдан ошиб қолди. Бу хизмат зиммасига оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда ойдинланаётган танқидий чиқишларга муносабат билдириш вазифаси биринчи навбатда юклатилганди. Аммо минг таассуфки, аксарият тизимлардаги матбуот хизматлари “ўзларининг биринчи навбатдаги вазифаси сифатида ижтимоий тармоқлар (ҳатто айрим хорижий ва маҳаллий ОАВ ҳамда сайту телеграм гурухлари) да бўлар-бўлмас, у асослими, асоссизми, барабири, чиқкан бўлса тамом, танқидий чиқишларга тезкор муносабат билдириш” деб билишади.

Матбуот хизматлари масъуллари эрта-ю кеч планшету қўл телефонларидан нигоҳларини узмай ўтиради: хўш, қани, қайси тармоқда ўз тизими, ҳудудига алоқадор бирор нохушроқ “негатив” нарса чиқиби, шуни назорат қилиш билан овора-ю сарсонлар!

Ва ҳатто техника тараққиёти шароитида ҳозир кун бўйи телефонга термилиб ўтириш шарт эмас, унга маҳсус дастур ўрнатиб, ўз тумани ёки тизими атамасини киритиб қўйиши-

са... қарангки, қайси тармоқда бирор нарса тарқалса, бўлди, ҳамма ҳаволалар чиқиб келаётгани.

Лекин буни қарангки, ўша дастурга ОАВ киритилмаган. Босма нашрлар, радио ва телевидение ҳам “унутилган”.

...Матбуот (Ахборот) хизмати раҳбари бўлган бир танишимиз қизиқ гапни айтиб қолди: “Бизлар биринчи навбатда юртимиз шаъни, обрўсини сақлашимиз керак. Ижтимоий тармоқлардаги ҳар бир нарсани дунё кузатади. Айниқса, танқидга мойилроқ чиқишларни одамлар киприк қоқмай ўқиди. Кўпчилик деярли мақтов ва ижобий нарсаларни ўтказвонади, аксинча, кўнгилсиз воқеалар тез тарқалади. Мабодо бизнинг идорамиз номи келтирилган тўрт қатор танқидийроқ нарса чикса, урди Худо, шу заҳоти тўполон бошланади. Қандай қилиб бўлсаям яшин тезлигидаги “андаваланган” муносабат билдириласак, уйимиз куяди. Нима эмиш, бундай чиқишларга бефарқ бўлсак... унда юртимиз имижига птур етади. Газеталар эса мамлакат ичида тарқалади, яна адади оз...”

Фикрлашга қаранг! Ана сизга савия, ана сизга даражажа!?

Вақтли матбуот ҳеч қачон танқидий чиқиши орқали мамлакат обрўсини тўкишини ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, қўймайди ҳам. Қолаверса, қайсири туман ҳокими ёки ташкилот мамлакат имижини белгиламайди. Ҳар бир танқидий чиқиш ортида муаммосига ечим излаган мустакил давлатимиз фуқароси бор, ҳалқнинг бир вакили бор, ИНСОН бор ахир! Қай бир туманда ислоҳотларнинг пайсалга солинаётгани, давлат раҳбари имзолаган фармон ва қарорлар ёки хукумат томонидан белгиланган вазифалар ижро қилинмаётгани, асоссиз пайсалга солинаётгани ҳақида бонг уради матбуот.


Баъзан кўзимиз тушади: ҳатто исми-шарифини чала-чулпа ёзадиган ўзини блогер деб атайдиган шоввоз қайсири тармоқлаша тортилган ичимлик сув қувури бехос ёрилгани ҳақида (бошқа мавзуларни қўяверинг, ЙТХ, жанжал-тўполон, қурақда турмайдиган хақоратли видеолар ва ҳоказо...) оғиз кўпиртириб, яна “Хой, ҳоким, прокурор ва бошқа мутасаддилар, қаердасиз, ҳаммангиз ухлаб ётибсизларми?” деган саводсизларча ёзилган, лекин ваҳимали сарлавҳа билан ижтимоий тармоқда чиқиш қиласи ва... Орадан уч-тўрт соат ўтар-ўтмас, ҳудди ўша вилоят-туман-شاҳар ё қайсири номи от хурки-

тадиган идора матбуот хизмати “ўша камчилик тезкорлик билан тузатилгани” ҳақида ахборот-хабарча эълон қиласи. Бу ёқда эса босма нашрларда ўша туманда тадбиркорлар ўз лойихаларини амалга ошириш учун йиллаб кредит ололмаётганлари, ишлаб чиқаришни йўлга қўёлмай, бор маҳсулотни ҳам сотолмаётганларни учун қарзлар кундан-кун “болалаб” бораётганидан норози бўлишаётгани ёки қайсири юртдошимизнинг ҳак-хукуклари бузилаётгани, бир-бираидан фарқ қилмайдиган “идоралараро “отписка”лардан одамларнинг ҳафсаласи пир бўлаётгани ҳақидаги жиддий, факт ва рақмларга асосланган танқидий чиқишга тезкор эмас, ўз муддатида, яъни қонунда белгиланган тартибда муносабат билдириш ўша, давлатдан отнинг калласидай маош олиб, нуқул муросасозлик қилаётган матбуот хизматининг тушига ҳам кирмайди. Янада қизиги, танқидий чиқишларимиз таъсирчанлигини ошириш мақсадида, биз ўша материаларимизни ижтимоий тармоқларга жойлаб борамиз. Кузатувчилар бу ҳаволаларимизга имкон қадар ўз муносабатини ҳам билдиради, ҳатто айримлари қизиқонлик қилиб, масъуллар шаънига нордонроқ сўзларни ҳам ёзишади. Ҳудди ана шундай пайтда ўз раҳбари атрофида “Хитой девори” куриб олган “содик ҳимоячи” — матбуот хизмати “тирилиб” қолади. Бу “жонланиш” исботи у қўнғироқ қилиб, ўша мақолани ижтимоий тармоқдан олиб ташлашни илтимос қилиш билан яқунланади...

Бундай икки хил стандарт қачонгача давом этади? Ким бу саволга жўялироқ жавоб беради?

Аслида, барча ОАВ вакиллари, шунингдек, ижтимоий тармоқда ўзининг холис ваadolатли сўзини айтмоққа ҳаракат қилаётган инсонларнинг эзгу мақсади, ёруғ нияти битта: у ҳам бўлса, шу озод Ватанимизнинг нурли келажаги, истиқболи, тараққиёти, Президентимиз таъбири билан айтганда, жонажон ҳалқимизни рози қилишдир. Демак, бу жабҳада тоифа ёки тарафларга ажратиш яхшиликка олиб бормайди.

**Норқобил ЖАЛИЛОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,  
“XXI asr” газетаси Бош муҳаррири.  
«Хуррият» газетасининг 2023 йил 4 октябрдаги 38-сонидан олинди.





# НАВОЙИНИНГ УРУШНИ ТЎХТАТГАН ҚЎЛЁЗМАСИ

Россия Миллий кутубхонасида Шарқ тилларида, турли даврларда битилган қўлёзмалари орасида бир нодир китоб алоҳида ўрин тутади. Беш ярим аср муқаддама кўчирилган бу қўлёзма ўз умри давомида не-не буюк хукмдорлар кутубхонасини безамаган, қанча инсонлар қалбига, ҳаётига ёруғлик олиб кирмаган дейсиз. Алишер Навоий ижодидани сараланган илк гулдаста бўлмиш бу нодир девон ҳатто давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатларга ҳам катта таъсир ўтказгани, минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлиши тахмин қилинган муқаррар урушнинг олдини олгани ҳам айни ҳақиқат...

## Хижрий 870 йил, рамазон, Ҳирот.

Абусайд Мирзо хизматида кечган навқирон даврида Алишер Навоий ҳали давлат арбоби сифатида сиёсатда ўз ўрнини эгаллагман, аммо шоир сифатида Хуросон ва Мовароуннаҳрда жуда катта шон-шуҳрат қозонганди. Унинг шеърлари тилдан-тилга ўтиб юрар, ҳали бирорта девон тузмаган бўлса-да, варакларда кўчириб тарқатилган байтлари қўлма-қўл бўлиб кетарди.

Шунда Навоийнинг дўстлари, муҳлислари ўзлари бош қўшиб, унинг “Илк девон”ини яратиши. Китоб яратиш эса ҳазилакам иш эмас. Унинг учун аввал сифатли, қиммат хитойи қофоз топиш, унга турли безаклар, зарҳаллар билан ишлов бериш, кейин меҳр ва зеҳн билан ҳар бир газални кўчириб чиқиши керак. Бу билан иш битмайди. Моҳир сахҳофлар ёрдамида сахифаларни мукова остида бирлаштириб китоб кўринишига келтириш лозим. Бунинг барчаси учун бир қанча инсоннинг машакқатли меҳнати, яна анча-мунча ақча керак бўлади.

Ёш котиб китобни кўчириб чиқиши мажбуриятини олди.

саргузаштларга гувоҳ бўлишини ҳеч ким билмасди.

## Милодий 1829 йил, февраль, Техрон.

Россия ва Эрон ўртасидаги мажаролар авж палласида эди. Россия императори Николай Эронга ўз элчиси Грибоедовни Рус-Эрон уруши интиҳосида қабул қилинган Туркманчай тинчлик шартномасида кўрсатилган бандлар ижросини таъминлаш учун юборган, мазкур битимга кўра Эрондан 20 миллион рубль миқдоридаги товон пули — контрибуция ундирилиши белгиланган эди.

Бу пулни тўлаш урушдан мағлубият билан чиқкан қожорлар давлати учун жаҳаннам азоби билан баравар. Ғазна ҳувиллаб ётибди. Халқда пул йўқ, қашшоқлик, очлик, турли касал-

ри кўйилган театрларда ҳар доим аншлаг бўларди.

Грибоедов маълум муддат Грузияда, Тбилисида яшаган, князь Илья Чавчавадзенинг қизи, 17 ёшли Нинага яқиндагина уйланган эди. Аммо, ёш дипломатга Ватанига қайтиш, севикили ёри билан қайта кўришиш насиб этмади.

Кутилмагандан элчихона биносига ёпирилиб кирган исёнчилар рус элчиси, “вазири мухтор” мақомидаги Грибоедовни ҳам ёввойиларча калтаклаб ўлдиришиди.

...Қожорлар сулоласининг забардаст вакили Фатҳалишоҳ рус элчихонасида юз берган босқинни эшишиб қайғуга ботди. Россия билан кетма-кет юз берган иккита урушдан мағлубият билан

тушди. Айтишларича, оғирлиги 88 қирот келадиган, шаффоф тусли бу олмос юз йиллар давомида бобурийлар таҳтини безаб келган экан.

Аммо таниқли дипломат, яна Россияга донғи кетган шоирнинг хунини моддий бойлик билан ўлчаб бўлармикин? Яна нимадир қилиш керак. Акс ҳолда. Рус қўшинлари тез орада Эронни кунпаякун қилиши турган гап.

Шоҳ бу моддий сарватга қўшиб Россияга бебаҳо маънавий хазинани ҳам юборишга аҳд қиласди. У ўз кутубхонасида Шарқнинг буюк шоирлари қаламига мансуб китобларни саралайди. Улар орасида туркий тилда биргина қўлёзма бу Навоийнинг “Илк девон”и эди.

## Милодий 1829 йил, апрель.

Император учун Эрондан етиб келган шошилинч хабар кутилмаган бош оғриғи бўлди. Халқаро дипломатия мөъёрларига кўра, элчининг ўлдирилиши мамлакат шаънининг тупроққа қориширилиш билан баробар эди.

Эрон шоҳининг элчилари етиб келганини билгач, уларни зудлик билан қабул қилишини билдириди. Элчиларга Фатҳалишоҳнинг валиаҳд ўғли Хусрав Мирзо бош бўлиб келганди.

Фатҳалишоҳ Николайга йўлланган хатнинг муқаддимасида Техронда юз берган хунрезликдан қаттиқ изтиробда эканини баён қилган, охирида икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик бардавом бўлишига умид билдириб, императорга хурмат юзасидан йўлланган камтарона ҳадяларни қабул қилиш сўралганди.

Николай қимматбаҳо совғалар, хусусан “Шоҳ” олмоси ва Навоийнинг “Илк девон”ини қўлга олгач, кутилганидек бир мунча тинчланди. Негаки, подшоҳ қимматбаҳо қўлёзмаларнинг шайдоси эди. Император

## Ёш котиб китобни кўчириб чиқиши мажбуриятини олди.

**Бир неча ойлик машаққатли меҳнат, уйқусиз тунлар, тинимсиз ҳатти-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Ҳазрат Навоийнинг биринчи китоби «Илк девон» юзага келган, девонни Навоийнинг яқин дўсти Султонали Машҳадий гўзал настаълиқ хатида кўчирганди.**

ликлар, мухтоҷлик фуқарони ҳолдан тойдирганди. Аммо ҳукмдор Фатҳалишоҳнинг халқа юзланишдан бошқа чораси қолманди.

Бу ҳақдаги фармони олий элга ошкор этилгач, бутун мамлакат бўйлаб, норозилик тўлқини ёйилди. Айни пайтда халқни ҳукуматга, рус савдогарлари ва дипломатларига қарши гижгижловчилар кўпайди.

Яқнагина Техронга келган 34 ёшли элчи Александр Грибоедовни бу пайтда Россияда машҳур шоир ва драматург сифатида билишарди. Унинг пъесала-

чиқиб силласи қуриган, тавбасига таянган шоҳ эндилиқда рақибнинг ҳар қандай шартига ночор бош эгаман деб турганда, бундай кўнгилсизлик... Ахир бу хабар Россияга етиб борса, Николай қараб турмаслиги аниқ.

Шоҳ бу кўнгилсизликни тезроқ бартараф этишга киришиди. Аммо, рус ҳукмдорининг ғазабини сўндириш унга арzonга тушмаса керак.

Шу аснода Фатҳалишоҳнинг ёдига хазинасида сақланаётган энг бебаҳо жавоҳир, бир пайтлар Нодиршоҳ Ҳинд юриши пайтида қўлга киритган «Шоҳ» олмоси

кутубхонаси мутахассислари “Илк девон”нинг қанчалик мухим ва бебаҳо ёдгорлик эканлигини айтишди. Хусусан, бу кўлёзма туркий адабиётнинг энг иирик вакили – Алишер Навоийнинг биринчи шеърий китоби экани ҳақидаги маълумотлар императорнинг шаҳдини бироз бўлса-да, пасайтиргди.

Хукмдор Эрон мулкида юз берган кўнгилсизлик учун Фатҳалишоҳни кечирганди. Хусрав Мирзо бошчилигига элчилар эртаси куни хушхабар билан Техронга қайтиб кетишиди.

Эҳтимол, шу ҳадялар сабаб икки давлат ўртасида бир неча йилдан бери давом этиб келаётган низолар бир мунча бартараф этилган, шундан кейинги саксон йилдан ортиқ вақт мобайнода бу давлатлар орасида ҳарбий харатклар юз бермаган.

Фалакнинг гарлиши билан бир буюк шоирнинг кутилмаган ўлими туфайли икки давлат ўртасида юзага келган таранг вазият иккинчи бир буюк мутафаккирнинг ўлмас асари сабабли юмшаган, Алишер Навоийнинг биргина китоби минглаб бегуноҳ инсонларни ўлимдан сақлаб қолганди....

Дарвоқе

### Навоий Эрмитажга борган...ми?

Михаил Пиотровский, Давлат Эрмитажи раҳбари:

– Навоийни чиндан ҳам буюк халоскор дейиш мумкин. Тасаввур қилинг – 1941 йил. Ленинград қамалда қолган. Болалар, аёллар, қариялар очликдан тутдек тўкилаётган пайт. Ана шундай даҳшатли дамларда шаҳарда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи ўтказилди. Навоийнинг шеърларини ўқишиди. Ахир бу тадбир қаердан ўтган? Уни ўтказиш кимнинг хаёлига келган? Ўлим билан олишаётган бир пайтда Навоийни эсга олган бу одамлар ким эди? Эҳтимол даҳшатли уруш дамларида қамалда ҳолдан тойган одамларга Навоийнинг руҳи мадад бергандир?

Бугун ана шулар ҳақида фикр ютишимиз, баҳсласишимиз керак. Биз тез орада Эрмитажда ўша машъум пайти қамалда қолган Ленинградда ўтказилган Навоийхонлик кечасини қайта жонлантироқчимиз. Насиб этса, бу тадбирни худди қамал пайтидаги Ленинградда ўтгандек ўтказамиз. Шу билан бирга Тошкентда ҳам Эрмитажда сақланаётган Ўзбекистонга оид буюмлар кўргазмасини ўтказишни режалаштирганимиз.

Иқбол ҲУМОЮН



**Муносабат**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ ҲАЛҚАРО МИНБАРЛАРДА ЯНГРАМОҚДА

Ўтган 10-15 кун ичидаги давлатимиз раҳбарининг Нью-Йорк шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида нутқ сўзлаши, Берлинда ГФР Канцлери Олаф Шольц ва Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер билан музокаралар ўтказгани дунё ҳамжамияти томонидан Янги Ўзбекистон ҳаётида тарихий воқеа сифатида эътироф этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 112 дан ортиқ давлатларнинг фуқароларини биргаликда ҳамфир бўлишини ва дўстона руҳини сақлаш, инсоний манфаатларини улуғлашни юқори қўйган ҳолда давлатларни жиспештириш зарурлигини айтиб ўтди. Сўз исботи сифатида «Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан илгари сурилган «Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори» борасидаги ташаббусни қўллаб-куватлаймиз», деб ўз фикрини билдириди. Ушбу ташаббус асосида 2024 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигига «Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл» бутунжаҳон конференциясини, «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – хотин-қизлар» тузилмаси билан ҳамкорлик асосида аёлларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини мухокама қилиш ва тажриба алмасиши учун Осиё хотин-қизлари форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклифини киритди.

Мамлакатимизда ва бутун дунёда сувга бўлган эҳтиёж жуда катта, баъзи давлатларда эса сув тақчиллиги аллақачон кун тартиби муаммоларидан бири бўлиб турибди. Шунинг учун Президентимизнинг олий даражадаги анжуманда БМТ Бош котибининг Сув ресурслари бўйича маҳсус вакили лавозимини таъсис этиш, Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш ва миintaқада қабул қилинган Яшил тараққиёт дастури доирасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари иштирокчи давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-куватланди. Давлатимиз раҳбарининг баланд минбардан туриб берган бундай таклиф ва фикрлари бизни гуурлантирди, ҳаяжонга солди.

Президентимизнинг шундан кейин тезма-тез Берлинга ташрифи чоғида Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц раислигига ўтган “Марказий Осиё – Германия” форматидаги биринчи саммитда давлатимиз раҳбари узок муддатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди. Икки томонлама музокараларида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётпти. Ўзаро товар айирбошлиш ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ортди, Германиядан Ўзбекистонга инвестициялар ҳажми 5,5 млрд. долларга етди.

Ислоҳотлар самараси сифатида германиялик ишбилиармонларда мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш, инвестиция киритиш истаги мавжудлигини эътироф қилиш керак. Кичик ва ўрта бизнесга узок муддатли кредит йўналишларини шакллантириш мақсадида Германиядаги қатор банклар билан Ўзбекистон банклари ўртасида шартномалар имзолangan бўлиб, бундан икки томонлама манфаат кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон бугун Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш, Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокаралар олиб бормоқда. Германия бу саъй-харакатларни қўллаб-куватламоқда.

Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатни келажак сари жадал етаклаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди, деб ҳисоблади Германия. Ўтган даврларда сиёсий дунёқарashi туфайли ноҳақ қамалган қўплаб инсонлар қамоқхоналардан озод этилди, онлайн-медиа соҳаси фаолияти либераллаштирилди, сўз эркинлиги кенгайди, хукуқни муҳофаза қилиш органлари фаолити тартибга солинди, зўравонликларга чек қўйилди.

Хозирги геосиёсий вазият ва шароитда Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон учун хорижий ҳамкорлар билан кўп томонлама ва мувозанатли ҳамкорликни қўллаб-куватлаш ҳар қачонгидан ҳам мухим ҳисобланади. Бундан ташқари, миintaқади ҳамкорликни чукурлаштириш мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бирга, минтака манфаатлари йўлида турли масалаларни бартараф этишнинг самарали ечимларини беради.

**Шаҳридин ҒАНИЕВ,**  
**Тошкент молия институти профессори,**  
**Аллаёр БУРЛИЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Куролли Кучлар академияси**  
**катта ўқитувчиси.**



# “ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ”

**Бугун барча соҳаларда бўлганидек, адабиётда ҳам муваффақиятлар ёрқин кўзга ташланмоқда. Мамлакатимиз раҳбари ўтган йили ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида инсон учун она Ватан, ота-она қанчалик азиз бўлса, унинг маънавий оламини белгилайдиган она тили ҳам шунчалик мўътабар эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, истеъодли олим ва ижодкорларимиз қаламига мансуб илмий ва бадиий асарлар нуфузли халқаро мукофотларга сазовор бўлаётгани, қолаверса, она тилимизда “Туркий адабиёт дурданалари” номли юз жилдлик муҳташам тўплам нашран чиқаётганига алоҳида ургу берди.**

Орадан бир неча кун ўтиб, Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқандда ўтказилган, халқларимиз тарихи, ўтмиши ва буюк келажагини маънавий ришталар сифатида боғлаб турадиган, янги Ўзбекистоннинг маърифатли жамият сари жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришишига йўл очиб берадиган “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” мавзусидаги I саммит арафасида ана шу “юз жилдлик” китоблар туркуми нашран чиқди ва саммитда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларига тақдим этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Туркий адабиёт дурданалари” мажмуасини тузиш гояси ни давлатимиз раҳбари 2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг VII саммитида илгари сурди. Унга кўра, ташкилотга аъзо давлат-

лар адабиётидан энг етуклари ни қамраб оловчи 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурданалари”ни саммитга аъзо мамлакатларда давлат тилида нашр этиш таклифи туркий халқларни янада яқинлаштириши кепрак эди. Бу иш биринчи бўлиб Ўзбекистонда амалга оширилди. Адабиёт мажмуасини чоп этиш учун ҳукуматимиз томонидан ижодкорларга яхши ижодий шароит яратиб берилди. Зотан, ўзбек адабиётини дунёга тарғиб қилиш, жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига ўгириш бугунги кунда ҳар доимгидан ҳам долзарбdir. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурданалари ни чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари” тўғрисидаги қарори кенг шароит яратди. 2018 йил 78 август кунлари “Ўзбек

да чоп этилган ва дунё юзини кўришида 200 дан зиёд таржи-мон, 100 дан зиёд адабиётшунос олим, адаб ва муҳаррирлар меҳнати сингган буюк адабиёт жамланмасига умумтуркий адабиётнинг энг сара намуналари, ўзбек, қорақалпок, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман ва венгер адабиётининг XIX-XI асрларга мансуб 629 нафар атоқли шоир, адаб ва мутафакирлари асарлари киритилган.

Халқимизнинг қардош халқлар ва уларнинг сўз санъатига бўлган юксак эҳтироми

мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция бунинг амалдаги яна бир кўриниши бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим (ҳозирги Олий таълим, фан ва инновациялар) вазирлиги, Фанлар академияси ташаббуси билан уюштирилган илмий анжуманда қирққа яқин хорижий мамлакатлардан вакиллар қатнашган эди. Ўзбекистонимиз Марказий Осиённинг қоқ ўртасида жойлашган мамлакат ва у ҳар соҳада марказий мавқени эгаллаши табиий. Шу нуқтаи назардан, юз

рамзи сифатида яралган ушбу бебаҳо хазинанинг “Умумтуркий адабиёт намуналари” деб номланган дастлабки беш жилдига қадим туркий тилимизни илк бор илмий асосда тадқик этган буюк аллома Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Ясавий, Сулаймон Боқирғоний ва Носириддин Рабғузий асарлари жойланди. Кейинги 28 жилдини Алишер Навоий, Бобур, Сўфи Оллоёр, Машраб, Оғаҳий, Увайсий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Чўлпон, Абдулла Қодиридан бошлаб то бугунги кунга қадар қалам тебратиб келаётган ўзбек адабиёти намояндлари: F.Фулом, Ойбек, М.Шайхзо-

**Муҳими, “Туркий адабиёт дурданалари” жамланмаси “Туркий дунё нигоҳи — 2040” концепцияси ҳамда бугунги кунда қабул қилинаётган Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси доирасида амалга оширилган илк қадам, 170 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан мintaқани ўз ичига олган Ташкилот нуфузини янада мустаҳкамлаш, қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш ниятизмизнинг илк рӯёбидир.**

жилдликнинг биринчи бўлиб Ўзбекистонда нашр этилгани ярашиқли бўлди ва бу туркий давлатлар ўртасида мавжуд адабий алоқаларимизни янада мустаҳкамлади, деб ўйлаймиз. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида, она тилимиз-

да, А.Қаҳҳор, М.Осим, С.Аҳмад, Ҳ.Олимжон, Зулфия, У. Носир, Миртемир, А.Мухтор, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, Ш.Холмирзаев, А.Орипов, Ў.Ҳошимов, Т.Мурод, О.Матжон, Ҳ.Худойбердие ва, Р.Парфи, Ш.Раҳмон син-

гари замондош шоир ва ёзувчилар қаламига мансуб дурдона асарларни ўз ичига олган “Ўзбек адабиёти намуналари” ва 5 жилдини қорақалпоқ адабиёти намуналари ташкил этди. Навбатдаги 17 жилдини эса, турк адабиёти, 16 жилдини озарбайжон, 10 жилди қозоқ, 10 жилди туркман ва 9 жилдини қирғиз ва 1 жилдини венгер адабиётининг она тилимизга ўгириб турли йилларда нашр этилган ва энди илк бор чоп этилаётган дурдона асарларидан иборат бўлди.

“Туркий адабиёт дурданалари” мажмуасининг яралишида Тошкент давлат шарқшунослик университети профессор-ўқитувчилари, магистрант ва талабаларининг ҳам салмоқли ҳиссалари бор. Жумладан, университет профессорўқитувчиларидан Боқижон Тўхлиев ва Эргаш Очилов ушбу мажмуанинг Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” ва Аҳмад Юғнакийнинг “Хибат улҳақойик” асарларидан иборат 3 жилдини, Э.Очилов Мухаммад Фузулийнинг туркий “Девон”и, “Лайли ва Мажнун” достони ва форсий девонидан намуналар таржимасини ўз ичига олган 58 жилдини, Махтумкули шеърлари таржимасидан таркиб топган 92-жилдини сўзбоши ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаган.

Шунингдек, Э. Очилов туркумнинг 39-жилди учун Жалолиддин Румий рубоийлари, 57-жилди учун Хоқоний Ширвоний рубоийлари ва қитъалари, 94-жилди учун Андалиб шеърлари, 98-жилди учун Жаҳоншоҳ Ҳақиқий ва Байрамхон рубоийларини таржима қилиб берган, Андалиб ва Хоқонийлар ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзбoshilar ёзган. Профессор Адҳамбек Алимбеков мажмуанинг таникли турк адаблари Умар Сайфиддин ва Сабоҳиддин Али ҳикоялари таржимасидан иборат 44-жилди, турк тилидан Миад Ҳакимов ва Хайрулла Ҳамидов она тилимизга таржима қилган Азиз Несин ҳикоялари таржимасидан иборат 47-жилдини ҳамда Тариқ Буғронинг “Усмон Ғози” романи киритилган 52-жилдининг тузувчиси ҳисобланади.

Университетнинг Таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси профессори в.б. Хайрулла Ҳамидов мажмуанинг турк адабиёти дурданалари, Яшар Камол асарларидан иборат 45 жилди ва Холида Адаб Адивар ҳамда Сайд Фоик Абасиёник асарларидан иборат 51 жилдини тузиш барабарида жилдларга киритилган роман ва қиссалар таржимони ҳам ҳисобланади. Қуонарлиси, юқорида санаб ўтилган жилдларга кирган асарларни она тилимизга таржима қилган мутахассислар орасида университетимиз профессор-ўқитувчиларидан П.Кенжава, Л.Аминова, ёш мутахассислардан К.Расулова, Д.Шодмонова, М.Ёқубжонова, Ш.Язданова, С.Ҳамидова, Н.Султанова, Н.Валиева, магистрант ва талабалардан С.Баҳодирова, Ш.Курбонмуродловлар ҳам бор.


Яна бир жиҳатга эътибор қаратмоғимиз керак: Президентимиз Шавкат Мир-

зиёев юқорида тилга олинган саммитда сўзлаган нутқида “Биз яқинда ташкилотимизга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар адабиётининг сара намуналаридан иборат юз жилдли “Туркий адабиёт дурданалари” тўпламини ўзбек тилида нашр қилдик. Ушбу бебаҳо маънавий хазинани барча аъзо ва кузатувчи давлатлар тилларида ҳам чоп этсақ, қардош элларимизни, аввало, ёш авлодларни ўзаро яқинлаштириш учун мустаҳкам замин яратган бўлар эдик”, дея алоҳида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаронлик сари” шиорининг ўзи барча аъзо давлатларнинг аҳолисига, айниқса, ёшлирига янги изланишлар, имкониятлар, илмий тадқиқотлар кўпригини очиб беради. Демак, университетимизнинг туркшунос таржимонлари олдига яна бир шарафли вазифа қўйилмоқда: бу ўзбек адабиёти дурданаларини истиқболда турк тилига таржима қилиб, Туркия Республикасида нашр этиш вазифасидир. Ушбу шарафли вазифани бажариш йўлида ҳам олийгоҳда тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Муҳими, “Туркий адабиёт дурданалари” жамланмаси “Туркий дунё нигоҳи — 2040” концепцияси ҳамда бугунги кунда қабул қилинаётган Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси доирасида амалга оширилган илк қадам, 170 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган Ташкилот нуфузини янада мустаҳкамлаш, қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиши ниятимизнинг илк рӯёбидир. Юртимизда тил ва адабиёт масаласида олиб борилаётган давлат сиёсатида, хусусан, “Туркий адабиёт дурданалари”ни ҳалқимиз орасида кенг тарғиб этишда университетимиз профессорўқитувчилари, мутахассисларининг ҳам ҳиссаси борлигидан ифтихор туямиз.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Президентимизнинг адабиётга бўлган юксак эҳтироми “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам акс этани бутун ҳалқимиз, адабиёт аҳлини беҳад кувонтириди. Бу ноёб мерос учун алоҳида бандлар ажратилиб, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурданаларини кенг оммалаштириш, жамиятда китобхонликни ҳамда аҳолига ахбороткутубхона хизматини кўрсатишни ривожлантириш белгилаб қўйилди. Айниқса, китобхон ёшлар сонини 5 миллион нафарга етказиш, ҳар йили 100 та энг яхши бадиий асар ҳамда болалар ва ўсмиirlарга мўлжалланган 50 та бадиий китоблар яратиш, “Ўзбек адабиёти хазинасидан” кўп жилдлик, “Жаҳон болалар адабиёти дурданалари” 100 жилдлигини ўзбек тилида нашр қилиш, 40 миллионга яқин китоб фондини рақамлаштириш вазифалари, албатта, бу борадаги ишларимизда бизга дастуруламал бўлиб хизмат қиласди.

**Гулчеҳра РИХСИЕВА,**  
**Тошкент давлат шарқшунослик**  
**университети ректори**



## УЧ ДАРЁДАН СУВИЧГАН ДЕНГИЗ

Она тилимни муаззам ва улуғ десам, эъзозлаб бошга кўтарсан, бунинг боиси ўзимни бўлгани, жонимга яқинлиги учун эмас. Шунга ишонганим, иймон келтирганим учун, менинг ҳам бир икки тилдан хабарим бўлиб, қиёслаш имкониятларим борлиги учундир.

Бир томчи шабнамдек мўъжаз ва тиник элчи деган соғ ўзбекча туркий сўзда қанча хикмат бор!


Эл деб, элат деб ҳалқни айтамиз. Яна ёв ҳеч қачон эл бўлмайди, деймиз, ёмонга эла-кишма деган ўғитимиз бор. Бу ўринда эл дўстлик, яқинлик маъноларини билдиради. Эл қадимда давлат тушунчасини ҳам ифода қилган. Элчи бир ҳалқдан, бир давлатдан бошқа юрга юборилган вакилгина эмас, балки элни элга эл қиласидиган одам, ҳалқлар ўртасида меҳр риштасини боғловчи, дўстлик кўпригини курувчи ҳамдир.

Сўзнинг ўзида шахс зиммасидаги залворли юқ бор. Элчиadolat ва эзгулик йўлида ҳақ сўзни айтишга бурчли инсон.

Унинг жонига эса кафолат хужжати қилиб, қонундек мустаҳкам, шоҳлар ҳукмидек қатъий хикмат айтилган: Элчига ўлим йўқ!

Омонат деган ўзбекона сўзга қалб қулоғини тутинг. Қанчалар теран инсоний туйғулар бор бу сўзда. У мулк ҳақида айтилса бирорнинг омонати, жон ҳақида айтилса Оллоҳнинг омонати. Банда учун дунё омонат, дунё учун банданинг ўзи омонат.

**Эркин Воҳидовнинг**  
**“Сўзлатофати” китобидан**



# ЖАҲОН ФАҲРЛАНДИГАН АЛЛОМА

Буюк мутафаккир Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. “Абу Райхон Беруний илмий меросининг жаҳон фани ривожидаги ўрни” мавзусига бағишиланган тадбирлар Нукус шаҳри, Беруний тумани, Урганч, Хива ҳамда Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтди.

Конференцияда Туркия, Озарбойжон, Хиндистон, Покистон, Афғонистон, Италия, Малайзия, АҚШ, Эрон, Қозоғистон, Тажикистан, Россия, Миср каби 20 га яқин давлатлардан келган олимлар ҳамда мамлакатимизнинг етакчи профессор ва тадқиқчилари қатнашди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигига ташкил этилган анжуман тадбирлари тўрт кун давом этди.

## Олимнинг тўйи – оламнинг тўйи

Халқаро илмий-амалий конференсиянинг биринчи куни Қорақалпоғистон Республикасида ўтди. Иштирокчилар Нукус халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди. И.В.Савитский номидаги санъат музейига саёҳат уюштирилди. Сўнг Беруний туманингай ўл олинди. Бу ерда улуғ аллома шарафида ўрнатилган ҳайкал пойига гулчамбар кўйилди ҳамда рамзий қабри зиёрат қилинди. Беруний тумани Маданият саройида асосий тадбир ўтказилди, алломанинг илмий меросига бағишиланган қизиқарли маърузалар тингланди, спектакл намойиш қилинди. Амфитеатрда концерт дастури кўйилди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 25 августда қабул қилинган “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори улуғ аждодимизнинг илмий-маърифий меросини янада чукур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш йўлида мухим қадам бўлди. Бу эса пировардиди Янги Ўзбекистоннинг ирфоний ва руҳий асосларини мустаҳкамлаш, янги илмий мактабларни яратиш ва ривожлантиришга хизмат қилали, – дея таъкидлари Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минхажиддин Мирзо.

Покистон Республикасидан келган олим Имран Парвез Хон эса конференция олдидан ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

“Мен Қорақалпоғистонга биринчи маротаба ташриф буюрдим. Тан олиш керак, конференция ўтказиш гояси жуда ажойиб ва мен ташкилий ишлардан жуда мамнун бўлдим. Шахсан ўзим Абу Райхон Берунийнинг математика ва картографияга оид илмий қарашларини ўргангандан ва конференцияда шу йўналишдаги маърузам билан иштирок этдим. Ўйлайманки, бу конференция мусулмон давлатларидан келган кўплаб олимлар учун ўзаро фикр алмасиши майдони бўлиб хизмат қилди”.

Абу Райхон Берунийнинг илм уммони нечоғлик поёнсиз эканини унинг улкан қомусий олим сифатида яратган асарлари яққол кўрсатиб турибди. Фалсафа илми билимдони бир вақтнинг ўзида астроном, математик, геолог, географ, биолог, ўлкашунос, ўсимликашунос, маъданшунос, тарихчи, манбашунос, диншунос, адабиётшунос, жамиятшунос, мантиқшунос, илоҳиётчи ва шоир бўлган.

Академик И.Крачковский сўзи билан айтганда, Берунийнинг шуғулланган соҳасини санашдан кўра шуғулланмаган соҳасини санаш осонроқдир.

## Беруний хеч бир миллат учун “ташқарида” эмас

Анжуманинг иккинчи кунига Хоразм вилояти мезбонлик қилди. Мехмонлар Маънавият ва маърифат маркази биносида мутафаккир ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи саҳна кўриниши билан қарши олинди. Шундан сўнг, “Абу Райхон Берунийнинг жаҳон цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссаси”, “Абу Райхон Беруний илмий меросида амалий фанларнинг ўрни”, “Абу Райхон Беруний



ва ижтимоий-гуманитар фанлар” каби йўналишларда маърузалар тингланди. Хорижлик олимларнинг Нуриллабой саройига, афсонавий очиқ осмон остидаги музей – Иchanқalъaga, ўз даврида кўплаб олимларни бир нуктага бирлаштирган, мустақиллик йилларида қайта тикланган Хоразм Маъмун академиясига ташрифи таассуротларга бой бўлди.

Тажикистан Республикасидан ташриф буюрган мутахассис Абдулҳай Комилий: “Анжуман мазмунан жуда бой ва қизиқарли ўтди. Берунийнинг илмий меросини биз ҳам катта қизиқиши билан ўрганимиз. Анжуман доирасида буюк олимга нисбатан хурматимиз янада ошиди. Мезбонлик қилган ўзбек ҳалқига, жумладан, хоразмликларга катта раҳматимизни айтамиз. Иchanқalъaga уюштирилган саёҳатни эса бир умр унутмасам керак”, дея ўз муносабатини билдири.

Абу Райхон Берунийнинг илмий ғоя ва тушунчалари дунёнинг илмий манзарасини, ўз даврининг дунёкарашини ривожлантиришга, бинобарин, бу давр фалсафасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Таниқли фан тарихчиларидан бири Жорж Сартон XI асрнинг биринчи ярмини жаҳон фани тараққиётida “Беруний даври”, олимнинг ўзини эса ўз даврининг биринчи ақлидеб атаган. Ўтказилаётган илмий-амалий конференция орқали олимнинг янада буюклиги ўз тасдиғини топди. Ҳиндистонлик олим Ашраф Пониҷетхил айтганидек: алломанинг тахаддуси “шаҳар ташқарисида” деган маънони берса-да, Абу Райхон Беруний бугун хеч бир миллат учун “ташқарида” эмас, унинг даҳоси билан ўзбек ҳам, хинд ҳам, умуман, бутун жаҳон, барча ҳалқлар фахрланади.

## Тошкент – меҳнаткашлар шаҳри

Анжуман иштирокчиларини бир нуктага тўплаган навбатдаги манзил Тошкент шаҳри бўлди. Мехмонлар дастлаб “Янги Ўзбекистон” боғига бориб, Мустақиллик монументига гул кўйидилар. Кун давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тарихий кўлёзмаларни варакладилар, Адиблар хиёбонидаги шоир-ёзувчиларнинг ҳайкаллари билан танишдилар, Алишер Навоий ҳамда Абу Райхон Беруний ҳайкаллари пойига гулчамбар кўйидилар, Ўзбекистон Миллий университети олимлари билан учрашув ўтказдилар, Тошкентнинг кўхна қиёфасини ўзида акс эттирган Ҳазрати Имом мажмуасини томоша қилдилар ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейидаги “Китаб ал-сайдана фи-т-тибб” китоби тақдимотида иштирок этдилар. Айниқса, Ислом цивилизацияси марказидаги улкан бунёдкорлик ишлари меҳмонларда ўзгача таассурот қолдириди.

АҚШдан ташриф буюрган профессор Акレス Ненси МС Корнак ҳам Тошкент билан боғлиқ таасуротларини яшириб ўтиради:

“Тошкент мени анчадан бери қизиктиради. Шу сабабдан келган кунимдан бошлаб шаҳартабиатини ва одамларини қўпроқ кузатишга ҳаракат қилдим. Билдимки, бу ердагилар тозаликни жуда яхши кўришади, доим кўчаларни супуришади, зиналарни ювишади, гулларга сув қўйишади... Биз яшаган меҳмонхонада ҳам меҳнаткаш аёллар кўп эди ва улар ҳамма жойни озода тутишид... Худди шундай, Тошкентнинг тарихий ёдгорликларига ҳам боришини хоҳлагандим, ниятимга етдим! Ҳозир менинг қиладиган ишим табассум қилиш ва бу ерда мазза қилиб суратга тушиш...

## Авлодларни илҳомлантиради

“Hyatt Regency” меҳмонхонасида анжуманинг асосий қисми ўтилди. Тадбирни Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минхажиддин Мирзо олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими, тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Маврулов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдухалимов, Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов ва бошқа мутасадилар конференция иштирокчиларини кутлади. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади онлайн табрик йўллаб, буюк мутафаккир Абу Райхон Берунийнинг илмий мероси келажак авлодларни ҳам илҳомлантиришда, маданиятларни бир-бирига яқинлаштиришда давом этаверсин, дея ўзгу тилак билдири.

Юқсан савиядада, ёрқин таассуротларга бой тарзда ўтган конференция айни юқори нуктасида якунланди. Иштирокчиларга махсус сертификат, анжуманинг маърузалар тўплами, Абу Райхон Беруний асарларининг кўпжилдлиги ва эсадлик совғалар тақдим этилди. Яқдиллик билан таъкидланганидек, бундай ҳалқаро конференциялар илмий ривожланиш ва ҳалқаро дўстлик алоказаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Ўтган тўрт кунлик хуласалардан англаш мумкинки, илмий-амалий анжуман олдига қўйилган асосий мақсадларга аъло даражада эришилди. Жаҳон берунийшунослиги янги тадқиқотлар учун турткни олди.

Сирожиддин РУСТАМОВ,  
OYINA.UZ мухбири

**"Яқин Шарқ тинчлиги – олам тинчлиги" деган ибора бор. Бубежиз эмас. Ҳар доим Яқин Шарқ миңтақасидаги олишувлар дунёning бошқа миңтақаларида ҳам занжир реакциясини келтириб чиқарди.**

Яқин Шарқдаги қонли тўқнашувларнинг энг сўнгиси 2023 йилнинг 7 октябрь куни бошланди. Фаластииннинг Ғазо секторини идора қилаётган Ҳамас ҳаракати Истроилга қарши ўзининг энг йирик ҳужумини бошлади. Минглаб ракетаси билан Истроилга зарба берди, Истроил жанубига кирди, юзлаб истроилликни ўлдириди, яна ўнлаб ҳарбийлар ва оддий одамларни асир олди. ХАМАС лидерлари буни Истроил зулмидан ва қамалидан тоқати тоқ бўлгани билан изоҳлади. ХАМАСнинг куруқлик, ҳаво ва денгиздан кутилмаган ҳужуми қархисида қолган Истроил бунга жавобан Ғазога қарши ҳаво ҳужумларини бошлади. Шу қадар хайратланарли ва саросимага соғувчи ҳужум бошладики, "Истроил дунёдаги энг кучли разведка ва жосуслик тизимларига эга" деган қарашларни чиппакка чиқарди. Айтилишича, ХАМАС ҳаракати атиги бир кун ичida Фаластиин мухториятидан катта ҳудудни эгаллаб олди. Истроилга ҳужум мамлакат жанубида шанба куни эрталаб, яхудийларнинг шаббат куни ва Симхат Тора байрамида бошланди. Жангарилар Ғазони ўраб турган панжара деворларни бузуб ўтиб, Истроилга мотоцикл, параплан ва денгиз орқали кириб келган. Истроил Мудофаа кучлари вакилининг айтишича, уларнинг сони юзлаб бўлган ва Истроилга кун давомида 3000 дан ортиқ ракета учирилган.

Истроил Бош вазири мамлакати "уруш ҳолати"да эканини эълон қилишгача борди. Бенъямин Нетаньяху Ғазони бошқарувчи ХАМАС ҳужумлари учун "мислсиз ҳак" тўлашини ҳам айтди. Афсуски, ваъдасини бажаряпти ҳам. Истроил авиацияси Ғазони бомбалаши оқибатида минглаб одамлар жароҳатланди, 500 дан зиёд бегуноҳ инсоннинг ёстиги қуриди.

Истроилнинг икки юқори мартали ҳарбийси ХАМАСнинг шанба кунги зарбаларини Америка Кўшма Штатларига қарши уюштирилган 2001 йилнинг 11 сентябридаги ҳужумларга қиёслади. Истроил ҳужуматининг даъво қилишича, ўтган уч кун ичida 700 дан ортиқ фуқароси

ўлдирилган, 2150 нафарига тан жароҳати етказилган. 100 га яқин аскар ва тинч аҳоли ХАМАС томонидан гаровга олинган. Истроил ҳукумати сўнгти ходиса ортидан, Ғазога электр энергияси, ёқилғи ва турли маҳсулотлар тъминотини кесиб қўйишга ҳам қарор қилди. Истроил ва Миср 2007 йилдан бўён секторни шундок ҳам камал қилиб келади, бунинг

маган. Ҳамаснинг сургундаги етакчиси Исмоил Ҳаниянинг айтишича, Фаластиин гурухлари босиб олинган Ғарбий Соҳил ва Қуддусга ҳам ҳужум қилишни максад қилган. Айримлар фикрича, ХАМАС ҳужуми ортида Истроилнинг ашаддий душмани Эрон турибди. ХАМАС вакили Фози Ҳамаднинг Би-би-сига айтишича, гурух ҳужумда Эрондан тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлов олган. Эроннинг БМТдаги делегацияси Техрон ХАМАСнинг Истроилга ҳужумини режалаштириш ёки амалга оширишга

ган. «Биз Эрон ушбу ҳужумни бошқаргани ёки унинг ортида турганига оид далилларни ҳали кўрмадик, бироқ, албатта, уларнинг узоқ муддатли ўзаро муносабатлари мавжуд», деди Блинкен. ХАМАСнинг сиёсий рақиби, Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилини бошқараётган Фаластиин президенти Маҳмуд Аббоснинг айтишича, Фаластиин ҳалқи ўзини "яхудий кўчманчилари ва ишғолчи кучлардан" химоя қилишга ҳақли.

Ўзи аслида муаммонинг илдизи қаерда? Можаронинг тарихига

## ЯҚИН ШАРҚ ТИНЧЛИГИ –



сабабини ўз ҳавфсизликлари билан изоҳлади. Ваҳоланки, ҳудуддаги ўз мустақил давлатига эга бўлиш учун интилаётган фаластиинликларнинг мураккаб шароитда қолаётгани, ўнлаб, юзлаб болалар қамал сиёсати қурбони бўлаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Шу билан бирга ҳозиргисига ўхшаш кескинлик Истроил ва Ҳамас ўртасида бу яқин ўн ийлликларда кузатилмаган.

АҚШ эса, ўзининг иттифоқчиси Истроилни қўллаб-қувватлаб, миңтақага ўзининг кема ва кириувчи самолётларини сафарбар қилган. ХАМАС Американинг бу хатти-ҳаракатини "тажо-вуз", деб атаган ва уни қоралаган. Яқин Шарқдаги сўнгги вазиятни муҳокама қилиб олиш учун йигилган БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши аъзолари "муаммони ҳал қилувчи лаҳза" эканини эътироф этишиди, аммо баёнот масаласида бир тўхтамга келиша олиш-

алоқадорлигини рад этди. «Биз Фаластиинни қатъий қўллаб-қувватлаймиз, лекин Фаластииннинг жавобига алоқадор эмасмиз, чунки бу қарор факат Фаластииннинг ўзи томонидан қабул қилинади», деди Эроннинг Нью-Йоркдаги ҳалқаро ташкилотда жойлашган ваколатхонаси. Улар ХАМАС ҳужумини «Фаластииннинг ҳал қилувчи ҳаракати» ва етмиш йиллик истило ва «сионистик режим» жиноятларига қарши «қонуний мудофаа» деб атади. Эрон расмийлари таъкидлашича, ХАМАС операциясининг муваффақияти кутилмагандан содир бўлгани туфайли юзага келган ва бу Истроил ҳавфсизлик кучларининг «энг катта муваффақиятсизлигига» айланди.

АҚШ Давлат котиби Энтони Блинкеннинг айтишича, Кўшма Штатлар Техроннинг Истроилга қарши ҳужумга алоқадорлиги ҳақида ҳеч қандай далил кўрманинг ушбу ҳужумни бошқаргани ёки унинг ортида турганига оид далилларни ҳали кўрмадик, бироқ, албатта, уларнинг узоқ муддатли ўзаро муносабатлари мавжуд», деди Блинкен. ХАМАСнинг сиёсий рақиби, Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилини бошқараётган Фаластиин президенти Маҳмуд Аббоснинг айтишича, Фаластиин ҳалқи ўзини "яхудий кўчманчилари ва ишғолчи кучлардан" химоя қилишга ҳақли.

Ўзи аслида муаммонинг илдизи қаерда? Можаронинг тарихига назарташласак. Унинграсмий бошланиши 1947 йилга, аникроғи, БМТ Бош Ассамблеяси тарихий Фаластиин ерларини икки давлатга – араб ва яхудийлар давлатига ажратиши, Қуддусга ҳалқаро бошқарувдаги мақом берилишини кўзда тутган қарор қабул қилган пайтга тўғри келади. Фаластиин заминида Истроил давлати туғилди-ю, аммо мустақил Фаластиин давлати пайдо бўлмади. Адолатсизликка йўл қўйилди. Бугун ҳам Фаластиин ҳалқининг эрки, озодлиги учун кураши Истроил ҳужумати томонидан бостирилмокда. Муаммони ечишга уринилмади, дейиш нотўғри, албатта. Ўтган ўн йилликлар мобайнида музокараларнинг барча эҳтимолий шакллари синаб кўрилди, энг экзотик ташабbusлар илгари сурилди, бироқ тинчлик шартномаси имзоланмади. 1990 йилларда барқарорлаштириш тамойиллари келишиб олинди: «икки ҳалқ учун

икки давлат» ва «тинчлик эвазига ерлар», қолаверса, Фаластинда ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш.

Бироқ Истроилнинг Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида яхудийлар учун манзилгоҳларни қуришга киришиб кетгани туфайли тинчлик жараёни жойида депсиниб қолди, 2010 йилдан музокаралар деярли боши берк кўчага кирди. Фаластинликлар босиб олинган худудларда яхудийлар манзилгоҳлари қурилиши тўхтатилишини талаб қилган бўлса, Истроил дастлабки шарт-

жуда катта нарсани истамаяти, ўз юртини қайтариб олишини хоҳлади, холос. БМТ қарорла-ри, халқаро қонунларга мувофиқ ишғол қилинган мамлакат ўзини ҳимоя қилишга, (ўз ерини) қайтариб олишга ҳақли. Шу нуқтаи назардан Фаластин 1967 йилдаги чегаралар доирасида давлат ташкил этишни орзу қиласди. Аммо Истроил бунга кўнмайди. Хулоса ўрнида айтганда, тинчлик ўрнатилиши ҳақиқатдан анча йироқка ўхшайди. Зоро, фаластинликлар Куддусни ва Иордан дарёси Ғарбий соҳилининг ярим худудини


шаҳар мақмитда бўлиши керак. Дарвоқе, бу шаҳар уччала самовий дин вакиллари – яхудийлар, мусулмонлар ва насронийлар учун ҳам муқаддас. Демакки, шаҳар масаласида сиёсат, тарих ва диний омилларни кўриш мумкин. Қуддуснинг Эски шаҳар қисми марказида бутун дунё яхудийлари учун энг муқаддас маскан – Ибодат тепалиги, Кўз ёши девори ва мусулмонлар орасида Ҳарам аш-Шариф номи билан танилган тепалик жойлашган. Бу ерда қадимда яхудий ибодатхоналари бўлган. Ҳозирги кун-

келишувнинг биринчиси Оқ Уй майсазорида имзоланганидан бери, Ғарбий Соҳилга, Куддус шимолидаги бу шаҳарга хорижий донорлардан пул оқиб кела бошлади. Унинг кўчалари ҳукumat идоралари билан тўла. Бу ер Фаластин давлатига қарашлилигини кўрсатувчи рамзларга ҳар ёқда кўзингиз тушади. Лекин фаластинликлар бу қуруқ супра эканлигини яхши билишади. Уларнинг назарида, Фаластин маъмурияти ўрнига пойтахти Шарқий Куддусда жойлашган, Ғарбий Соҳил ва Ғазо секторини бирлаштирган мустақил давлатни бошқарадиган сайланган ҳукumat келиши керак эди. Аммо бу ҳам орзулигича қолган. Оммавий сўровлар Осло келишувларини дастлаб Фаластин жамоатчилигининг учдан икки қисми қўллаб-қувватлаганини кўрсатган бўлса ҳам, аммо у кўтарикилик ўрнини ҳозир тушкунлик эгаллаган. Икки давлат ечимида ишонч сўнгани ҳам одамларни янада тушкунликка солади. Фаластинликлар учун хаёт реаллиги шафқатсиз ҳарбий ишғолдир. Улар Рамаллоҳдан қайси йўл орқали чиқиша ҳам, ҳар ерда Истроил назорат нуқтлари, аскарлари ва аҳоли пунктларига дуч келишади. 1993 йилда Осло келишуви имзолangan пайтда Ғарбий Соҳилда, жумладан, Шарқий Куддусда 110 мингдан сал қўпроқ яхудий кўчманчи яшарди. Бугунги кунда бу кўрсаткич 700 мингдан ошади. Яхудий аҳоли пунктлари халқаро қонунларга кўра ноқонуний хисобланади, бироқ Истроил буни тан олгиси йўқ. Истроилда Ғарбий Соҳилни аннексия қилиш тарафдори бўлган миллатчи диндор ва муросасиз вазирлар ҳукумати ўтирибди.

Ҳозирги шароитда мусулмон оламида Истроилдан норозилик кучайди. Вақт кескинлик сари ўйнамоқда. Боз устига, дунё ҳамжамиятининг эътибори Украина надан Яқин Шарққа кўчди. Агар АҚШ Конгрессидаги Украина га кўшимча ёрдам кўрсатмаслик борасида тортишувлар юзага келгани, Польша ва Словакиянинг ҳам Киевга ҳарбий ёрдамни тўхтатиш қарори Украина иттифоқчиларини ҳам урушдан бездирган кўринади.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,  
сиёсий шахловчи**

## ОЛАМ ТИНЧЛИГИ



ларсиз музокаралар бошлини таклиф этди. Шундан сўнг вазият янада чигаллашди. Фаластин-Истроил можаросини барқарорлаштиришнинг мураккаблиги унинг кўп қиррали эканлигига. Бу шунчаки худудий баҳс эмас. Бешта мухим масала ечилиши лозим. Булар – чегаралар, Куддус мақоми, Истроил хавфсизлигини таъминлаш, қочоқларнинг қайтиши, минтақа учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган сув ресурсларини тақсимлаш муаммоларидир. Бу жиҳатларнинг барчаси ўткир ва ҳар икки томон учун оғрикли мавзуу. Ушбу пунктлардан бирор тасиби бўйича тушунмовчилик тинчлик қарор топишини имконсиз қилиб кўяди. Мазкур муаммога қайси томондан назар солманг, низонинг натижаси иккинчи юз йилликка ўтди, давомли баҳсdir. У мунтазам «шамнинг пилиги»га ўхшаб куйиб, кўпинча алганга олмоқда. Фаластин халқи

топшириб, ўзлари томошабин бўлиб ўтиришини, ўзини ҳимоя қилиш ҳукуқига эга бўлмаган давлатда яшашга розилик беришини тасаввур қилиш қийин. Ўз пойтахтини Шарқий Куддусда жойлаштириш ғоясидан воз кечиши ҳам шубҳали. Истроил давлати ҳозирги зўравонлиги билан Фаластинга том маънодаги мустақилликни тухфа этишни хоҳламаслигини намойиш этди. Шундай бўлиши турган гап. Чунки Фаластин Осиё, Африка ва Европа чорраҳаси туташган нуқтада жойлашгани билан қулай жўғрофий, стратегик аҳамиятга эга. Бу асосида араб давлатлари қуруқ баёнотлар беришдан, Фаластинни ўз ҳолига ташлаб қўйишдан ор қилмаятилар.

Боз устига, Истроил Куддусни ўзининг ажралмас, бўлинмас ва абадий пойтахти деб эълон қилган. Бу ҳам БМТнинг 1947 йилги резолюциясига зид. У бетараф

да у ерда мусулмонларнинг икки муқаддас масжиди – Куббат ус-Сахро масжиди ва Ислом динидаги учинчи муқаддас масжид ҳисобланувчи Ал-Ақсо масжиди жойлашган. Мусулмон олами учун Куддусдаги Ал-Ақсо масжиди алоҳида аҳамият касб этади.

Навбатдаги аланга Истроил ва Фаластин ўртасида Осло битими имзоланганига 30 йил тўлган бир пайтга тўғри келди. Ўшатинчлик келишувига кўра Фаластин маъмурияти тузилган эди. У то асосий масалаларни ҳал қилиш учун музокаралар ўтгунга қадар беш йил муддатга мувакқат ҳукumat ўлароқ ташкил этилган эди. Бугун, тинчлик музокаралари барбод бўлганидан деярли ўн йил ўтиб, Фаластин Маъмурияти ҳамон сақланиб турибди, аммо ўз легитимлигини йўқотмокда. 1993 йилдан бери Осло битими деб номланувчи иккита

# ДУНЁГА ҚАЛБ КҮЗИ БИЛАН БОҚҚАНАЛЛАР

(Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти раиси Эргаш Норпўлатов билан мулоқот)

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти кўрлар бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтиёрий аъзолигига асосланган нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, у кўзи ожизларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласидиган, ҳаёт имкониятларини таъминлашга кўмаклашадиган Республика миқёсидаги жамоат бирлашмасидир. Кўзи ожизлар жамияти хукуматимиз қарорлари, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига мувофиқ ўз уставига асосан иш юритади. Тизимда олиб борилаётган ишлар, жамият аъзоларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар хусусида жамият раиси Эргаш Норпўлатов билан сұхбатлашдик.

– Жамият қачон ташкил топган ва у қандай тамойиллар асосида иш олиб боради?

– Жамиятнинг ташкил топганига ўтган 2022 йилда 90 йил тўлди. 1932 йил 15 июнда мамлакатимизда яшовчи бир гурӯҳ фаол кўзи ожиз фуқаролар ташаббуси билан жамиятнинг Курултойи чақирилиб, унда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ташкил топган. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 76020 нафар кўзи ожизларнинг 64244 нафари жамият ҳисобига олинган. Жами ишловчи кўзи ожизлар сони 2987 нафарни ташкил этган бўлса, шундан 1539 нафари жамият корхоналарида, 557 нафари жамият тизимида ва 1209 нафари тизимдан ташкаридаги турли ташкилотларда фаолият юритмоқда.

Жамиятимиз кўйидаги тамойилларга асосланади:

– Инсонпарварлик ва раҳмдиллик, шахс қадр-киммати ҳамда жамият ҳар бир аъзо-си фикрига хурмат, фикрлар хилма-хиллиги ва кўпчилик фикрининг устуворлиги ҳамда озчиликнинг фикрига хурмат билан қараш, кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг ёши, жинси, миллати, ирқи, диний эътиқоди ва сиёсий қарашлари ҳамда ногиронлик тоифалари ва белгиларидан қатъи назар, камситилишига йўл кўймаслиги;

– Кўнгиллилик, ихтиёрийлик, ЎЗКОЖ барча раҳбар ва назорат-тағтиш органларининг сайланиши, улар ишида жамоавийлик ва бамаслаҳатлик, ошкоралик, шаффоффлик ҳамда юкори турувчи раҳбар органларининг жамият аъзолари олдида даврий ҳисббот бериб туришива ҳоказолардан иборат.

– Жамият аъзоларига хукуматимиз томонидан, қолаверса марказий бошқарув томонидан қандай ғамхўрлик кўрсатилмоқда? Уларга меҳрибонлик сифатида қилинаётган моддий ва маънавий кўмакнинг аҳамиятига ҳам тўхвалиб ўтсангиз.

– Мамнуният билан айтиш мумкинки, ҳозирда жами 300 та корхона, ташкилот ва муассасалар кўзи ожиз фуқаролар учун беминнат хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти 90 йиллиги муносабати билан тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда ногиронларнинг 809 нафарига овозли тонометр, 133 нафарига овозли термометр, 1015 нафарига эса махсус йиғма ҳасса ҳамда 9 нафарига кўлтиқ таёқ, 1 нафарига эшитиш мосламаси, 1 нафарига коляска ҳамда 479 нафар кўзи ожиз ногиронларга бошқа турдаги реабилитация воситаю тарқатилди.

Булардан ташқари “Янгийўл” юрак ва асадасалларни сиҳатгоҳида саломатликларини тиклашлари учун жами 455 та ўйлланмалар ажратилди. Ўтган йилнинг май-июн ойларида 60 нафар кекса ёшдаги нуронийларга ва октябрь-ноябрь ойларида 170 нафар кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ жамият аъзолари “Ян-

гийўл” сиҳатгоҳида дам олиш ва даволаниш имконига эга бўлдилар. Бу ҳам бўлса мамлакатимиз раҳбарининг ногиронларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва меҳрибонлигининг ёрқин ифодасидир.

Юбилей доирасида 13 ноябрь – “Бутунжаҳон кўзи ожизлар куни” ҳамда 3 декабр – “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан “Халқлар дўстлиги” санъат саройида “Қалб кўзи-ла олам мунаvvар!” номли катта хайрия гала-концерти ўтказилди. Яна шуниси эътиборлики, “Ўзбекфильм”нинг ташаббуси билан ЎЗКОЖ нинг 90 йиллигига бағишлиланган “Дунёга қалб кўзи билан боққанлар” номли хужжатли фильм яратилди. Мазкур фильмнинг тақдимоти ўтган йилнинг 20 декабр куни Алишер Навоий номидаги санъат саройида бўлиб ўтди. Фильмни яратиш учун дав-



– Тўғри айтдингиз. Юртимизда катта тарихий воқеа бўлди. Жорий йил 10-14 май кунлари Ўзбекистон Жамияти марказий бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда Осиё кўзи ожизлар уюшмасининг навбатдаги ассамблея йиғилишини Тошкент вилоятидаги “Олмос” дам олиш масканида ўтказди.

Йиғилишда барча Осиё мамлакатларининг раслари, Россия Федерацияси жамият раиси ҳам иштирок этди. Анжуман давомида бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Раис ва раис муовинлари сайланди. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Мени ҳам ассамблеянинг раис муовини этиб тайинлашди.

Жамиятимиз раҳбарлари ва бир гурӯҳ хорижий меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг тарихий жойларини зиёрат қилиб қайтиши. Жамиятимиз аъзолари имконияти чекланган инсонлар ўтказида ўтказилган шашка мусобақаси бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этиб, 5 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медалларига сазовор бўлишди. Булардан ташқари жамиятимиз аъзолари “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да турли танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

– Сиз раҳбарлик қилаётган тизимдаги сўнгги янгиликлар, янги лойиҳалар тўғрисида нима деб оласиз?

– Мухим янгиликлардан бир шуки, таълим тизимини ривожлантириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилаётган. Бизнинг замонавий босмахонамиз мавжуд бўлиб, ҳар қандай китоб, журнал ва газеталарни тендерсиз чоп эта олади. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти тасарруфидаги “DIZAYN PRINT УИЧК” МЧЖ раҳбари ташаббуси билан корхонага брайль алифбосида чоп этишга мўлжалланган “BRAYLLO 650 SW2” принтери Норвегия давлатидан келтирилди. Уни ўрнатиш учун Туркиядан мутахассис кадрлар жалб этилди. Ушбу мослама Ўзбекистонга биринчи бўлиб келтирилган брайль алифбосида чоп этувчи замонавий жиҳоз ҳисобланади. Ушбу принтер 1 соатда 1950 саҳифа чоп этиш кувватига эга. Бундай замонавий ускуналарни хориждан олиб келиш ишлари давом эттириляпти. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор бизни бехад севинтирум олади. Жамиятимиз аъзолари эса мамлакатимиз тараққиётига ўз улушларини кўшиш истагиди.



лат бюджетидан 350 миллион сўм сарф-харажат қилинди.

– Ўтган йиллар мобайнида қандай ўзгаришлар ва янгиликлар бўлди? Ногиронлиги бўлган шахсларга эътибор қучайтирилаётми?

– Дарҳақиқат, шундай. Кейинги 5-6 йил давомида Ўзбекистонда бошқа инсонлар қатори ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний хукуқ ва манфаатлари ҳимояланишига кучли эътибор қаратилди, десак хото бўлмайди. Жумладан, 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуклари тўғрисида”ги 641-сонли ҳамда 2021 йил 7 июндаги “Ногиронлар хукуклари тўғрисида Конвенцияни (Нью-йорк, 2006 йил 13 декабр) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг 695-сонли қонунлари кабул қилиниб, уларнинг бошқалар сингари тенг яшашлари учун давлат томонидан кулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ушбу жараёнларда ЎЗКОЖ кўзи ожиз фуқароларни ҳар томонлама реабилитация қилишда фаол иштирок этиб, Жамият Осиё ва Бутунжаҳон кўзи ожизлар уюшмаларининг тенг хукукли аъзосидир.

– Жорий йил яна бир тарихий воқеа юз берди. “Осиё кўзи ожизлар жамияти”нинг навбатдаги ассамблеяси Ўзбекистонда бўлиб ўтди. Шулар ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

Ашурали БОЙМУРОД  
сұхбатлашди.

Биз сўнгги йилларда китобдан, кутубхоналардан узоқлашдик. Кўплаб жойларда кутубхоналар тарқатиб юборилаётгани ёки маърифатхоналарда китоб фонди камайиб бораётгани сир эмас. Мана шундай паллада Жомбойда замонавий ахборот-кутубхона маркази фойдаланишга топширилди.

## ЖОМБОЙГА “КИТОБ ТАЪМИ” ҚАЙТДИ

Жомбойликлар яхши билишади, сўнгги бир неча йил давомида туманнинг асосий кутубхонаси биносиз эди. Ўн минглаб китоблар ижрама-ижара юрди, зиё тарқатувчи ходимлар эса сарсон бўлди, бирорқ сабр қилди. Бу ҳолатдан айниксана, “китоб таъми”ни олган зиёли қатлам ва кекса авлод қаттиқ азият чекди.

2022 йилда кутубхона ходимларининг шахсий ташаббуслари билан янги бино қуриш таклифи “Ташаббусли бюджет” платформасига киритилди. Аҳоли қўллаб-қувватлаши ва кўпчилик овози билан ушбу ғоя молиялаштирилайдиган бўлди. Шу тариқа 1 милли-



ард 200 миллион сўмлик лойиҳа асосида янги бино қад ростлади. Ушбу бино 2023 йил 18 март куни фойдаланишга топширилди. Китобхонлар учун барча шароитлар яратилган шинам, замонавий ушбу бинода 9 та хона мавжуд. Шулардан маъмурият хонаси, 2 та ўқув зали, библиография бўлими, фонdlарни тўлдириш, сақлаш ва уларга ишлов бериш хонаси, электрон кутубхона замон талабларига мостарзда жихозланди.

Марказимизда ҳозирги кунда 16 мингдан ортиқ китоблар бор. Ҳақиқатан ҳам йиллар давомида китобларимиз тақдиридан жуда хавотир олдик. Содиқ китобхонлари-

миз келишар ва қайфиятсиз қайтиб кетишарди. Мутолаа учун шароит йўқ эди, қайсиdir ташкилот биносида вақтинчага турардик. Шукурки, энди туманнинг қоқ марказида ўзбиномиз бор. “Жомбой тонги” газетаси билан ёнма-ён, уйғун тарзда бир бинога эга бўлдик. Энди асосий мақсадимиз халқимизни китобхон қилиш, китобга қайташдир.

2023 йилнинг беш ойи давомида кутубхонага аъзо бўлганлар сони 876 нафарни ташкил этди. Бир сўз билан айтганда, ушбу марказ том маънода туманнинг асосий маърифатхонасига, энг гавжум масканларидан бирига айланиб бормоқда.

**Фарида НУРИЛЛАЕВА,  
Жомбой тумани  
ахборот-кутубхона маркази  
директори**

## “Абдул” эмас, Абдулмоҳ, денг

Ижтимоий тармоқларда кўзим тушиб қолди – бир киши янги туғилган боласига “Янги Ўзбекистон” деб исм қўйишга рухсат беришмаётгани учун жанжаллашибди. “Фарзанд меники, нима исмни раво кўрсам шу бўлади” деб дўқуряпти.

Исм қўйиш ота-онанинг ўз фарзанди олдидаги биринчи мажбуриятларидан ҳисобланади. Буни кўпчилик яхши англайди ва боласига маъно-мазмунли ном танлайди. Ёки оилавий қадриятлари, шажарасидан келиб чиқиб, исм қўяди. Яна кимлардир машҳур кишиларга, эл ўртасидаги ҳурматли инсонларга ҳавас қилиб, фарзандига улар номини беради. Буни ҳам тўғри тушуниш керак.

Аммо, баъзан айрим ота-оналар ўз шахсий қизиқишилари, хобилиари асосида қўшиқчилар, киноқаҳмонлар ёки футболчилар исмини боласига қўяди. Бу исм ўз тили, миллати, халқи турмуш тарзига мос бўлса яхши, аксинча бўлса-чи?

Хўш, Жумонг, Тайсон, Месси, Марадона деган исмларнинг мазмунини биласизми? Сиз шу “қаҳра-

мон”ларга ҳавас қилиб болангизни улар номини қўйибсиз, майли. Эртага болангиз улғайиб, исмидан уялмайдими? Буни тўғри қабул қиласидими?

ФХД҄ бўлимлари ходимлари ҳам нима қилсин, ота-она шу исмни раво кўрса, уларнинг қўлидан нима келади. Тўғри маслаҳат, тавсия берар, аммо буни “қайсар” ота-она қабул қиласидими?

Яна бир гап. Фарзандга яхши исм қўйганингиздан кейин уни чала-ярим қилмай, тўлиқ ва гўзал талаффуз қилиш лозим. Афсус, баъзи оилаларда исмни қисқартириб чақиришади. Яъни, Абдураҳмонни “Абди”, Абдуллоҳни “Абдул” дейишади. Бу аввало, исм эгасига нисабатан, қолаверса, улуғ номларга ҳурматсизлик эмасми?

**Хусниддин ХОЛДОРОВ.**

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир  
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида сахифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1010

Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми З босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига

2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
99-791-43-23,  
99-994-70-52

Реклама ва ёълонлар учун:  
Электрон почта:  
[jamiyat@umail.uz](mailto:jamiyat@umail.uz)

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:

20:00

1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони  
2023 йил 26 октябрь куни чиқади.



# ТИНГЛАНГ, ЗАЙНАБ КУЙЛАМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Зеро, концерт программаларида ҳам унга ҳеч ким бошловчи – конферансъелик қилмайди. Уч соат, гоҳо ундан ҳам узокроқ давом этадиган концертда унинг ёлғиз ўзи куйлади, ижро этадиган ашулалари, номини, бастакор ва шоирини ҳам ўзи эълон қиласди. Ўтрадаги ўн-ўн беш дақиқалик танаффусни хисобга олмасақ, ана шу уч соатлик концертнинг бошидан охиригача саҳнадан кетмайди. Кетма-кет қўшиқ, яна қўшиқ... Овозни-ку кўяверинг, ҳатто жисмонан чарчамаганига, толикмаганига хайрон қоласиз. Қўшиқ куйлагани сари кучга, қувватга тўлиб бораётгандай туюлади. Чунки қанча кўп айтгани сари шунча завқланиб, ҳаяжонланиб куйлади. Шу сабаб маҳобатли зални тўлдириб ўтирган минглаб томошабинлар вакт ўтганини сезмайди, ҳат устига хат ёғилиб, яна куйлашини илтимос қиласди. Мухлислар олкиши унга завқ, куч ато қиласди-ю, яна куйлайверади. Шундай вактда машҳур турк шоири Нозим Ҳикматнинг куйидаги сўзлари ёдимга келади: “Булбул туткунликда куйламайди. Унинг жони – қўшиғида!”

1980 йил. Ўзбекистонда Озарбойжон адабиёти ва санъати байрами давом этаётган кунлар эди. Ўша кунлари Зайнаб кундузи тури завод ва фабрикаларга, олий ўкув юртлари ва муассасаларда томошабинлар билан ижодий учрашувлар ўтказар, улар хузурида концертберар, оқшом эса санъат кошонасида концерт намойиш қиласди. Ана шундай кунларнинг бирида концерт бошланишидан олдин созандаси билан бўлган ушбу киска сухбатнинг гувоҳи бўлганман.

– Қалай, Зайнабхоним, чарчамадингизми? Бугунги концертда толикмайсизми?

Гримхонага кириб кетаётган Зайнаб эшик олдида шартта тўхтади-да, созандা йигитга ўгирилди.

– Ман қўшиқ айтиб чарчамайман. Куйлаганим сари куйлагим келаверади.

Бу баландпарвоз гаплар эмас, чин юракдан айтилган самимий сўзлар эди. Зеро, буни унинг фаолияти тўла тасдиқлайди.

Зайнаб озарбойжон ҳалқ қўшиқларини, муғомларини юксак маҳорат билан куйлади. Илк бор қўшиқ куйлаганида ҳам муғомлар ижро этиб, тингловчиларга танилган эди. Дастлабки ашулаларида ёк у ҳеч кимга эргашмади, тақлид қиласди. Аксинча, ўз йўлини, услубини топишга интилди. Мумтоз ашулаларни замонавий қўшиқлар билан қўшиб куйлаш маҳоратини эгаллади. Бу таснифлар фақат унга хос бўлиб қолди. Қўшиқ санъатининг мана шу турини ривожлантиришга катта аҳамият берди, ўзининг куч-кобилиятини, истеъодини шунга сарфлади. Кейинчалик ҳалқ ҷолға ансамбли тузди, унга бадиий раҳбарлик қилди.

Зайнаб илк бор озарбойжон мумтоз шоири Фузулий ғазаллари билан айтиладиган муғомларни куйлади. Ана шундаёк бу ёш хонанданинг ўзига хослиги намоён бўлганди. Бу ҳақда Озарбойжон ҳалқ шоири Сулаймон Рустам шундай ёзди: “Ғазаллар кўп тиник, тўғри, равон куйланади. Бу овоз бошқа хонандаларимиз овозидан фарқланади. Зеро, Зайнаб санъат оламига қадам кўяр экан, ўзига хосликка, факат Зайнаб бўлиб куйлашга интилди”. Бир мухбирнинг “Фалончи худди Зайнабдай куйлади” деган фикрга қандай қарайсиз?” деган саволига шоир бундай жавоб беради: “Зайнаб бўлмоқни истасалар, хато қиласдилар. Чунки Зайнабнинг ўзи ҳеч вақт ўзга бўлмоқни истамаган”.

Дарҳакиқат, санъатда, умуман, ижодда тақлидчилик яхши йўлга олиб чиқмайди. Шунинг учун Зайнаб ижросидаги ҳар бир қўшиқ унинг ўзиники бўлиб қолган. “Йўқ-йўқ”, “Сани орзуларам”, “Сахар-сахар”, “Тарланим”, “Турна катори”, “Ҳеч хабаринг йўқдир санинг”, “На гўзалдир”, “Йўқ дея-дея”, “Илк севинчим”, “Жайрон бола” каби қўшиқларни эшитишимиз билан кўз ўнгимизда Зайнаб намоён бўлади...

Зайнаб гўзал Ашерон водийсида туғилди. Унинг

болалиги табиат бутун гўзаллигини ато этган шу воидида, турфа хил узумзорларда ўтди. Табиатнинг мана шу ҳайратомуз гўзаллигига, нафосатга иштиёқ туйғулари болалигида ёк уйғонган бўлса не ажаб?! Қалб туғёнларини, ҳаяжонларини қўшиқ, куй орқали изҳор қилишни балки ўша кезларда дилига тугиб кўйгандир. Бўлмаса, педагогика билим юртини тутгатган қиз хонанда бўлиб кетармиди?! Ҳа, у дастлаб ўқитувчи бўлишни орзу қиласди, шу касб бўйича таҳсил олди. “Мусиқа менинг қалбимда, бутун вужудимда яшарди, мени сира тарк этмасди, ўзига чорларди...” деб эслайди у. Буни сезган ўқитувчилари, дугоналари унга мусиқа билим юртига кириб ўқиши маслаҳат беришиди. Ана шу кистовлар туфайли у Бокудаги Зайнабнинг номидаги мусиқа билим юртига ўқишига кирди. Бу санъат билим юртида тор, гармон, камон чолғучилари, ҳалқ қўшиқларининг ижроқилари, ҳалқ ансамбларининг иштирокчилари тайёрланади. Мусиқа ва хонандалик санъатининг сир-асрорлари чукур ўргатилади. Зайнабнинг баҳти, омади бор экан. Билим юртида у Сайд Шушинский синфига тушди. Маълумки, С.Шушинский озарбойжон ҳалқ мусиқаларининг, ашулаларининг пухта билимдони эди. Унинг қўлида таҳсил кўриш ҳар қандай ёш санъаткор учун баҳт ҳисобланарди. Зайнаб ана шу устоз санъаткор таҳсилидан баҳраманд бўлди.

Талабалик йилларида ёк Зайнаб Хонларова ўзининг қобилияти, санъатга меҳр-муҳаббатининг баландлиги, энг муҳими, жозибали, foят ширадор ва мафтункор овози билан тенгдошлари ва мактабдошларидан алоҳида ажралиб турарди. Унинг қобилиятини, ёрқин рангларга бой овозини устози Сайд Шушинский пайқаган, шогирдининг келажагига ишонч билан қараб, келгусида машҳур санъаткор бўлиб етишувига ишонч билдириганди.

Зайнабнинг хонандалик довруги кенг қулоч ёди. Унинг ҳароратбахш қўшиқларини фақат озарбойжонликларемас, Москва вабошқа кўплаб шаҳарлар санъат муҳлислари ҳам завқ-шавқ билан тингланлар. Бугина эмас, Болгария ва Франция, Туркия ва Эрон, қатор Шарқ мамлакатлари тингловчилари уни самимий олқишлиғанлар, қайта-қайта саҳнага таклиф килгандар. Матбуот унинг санъатига юксак баҳо берди: “Улкан санъаткор”, “Озарбойжон ҳалқ қўшиқларининг ажойиб ижроқиси”, деб баҳолади. Унинг куйлаш маҳоратига ҳамма жойда барча қойил қолди, тан берди, оғарин айтди. Зотан, хонанда муғомларни ҳам, мумтоз ҳалқ қўшиқларини ҳам, замонавий ашулаларни ҳам бирдек маҳорат билан, қалбдан куйлади.

Зайнаб Хонларова нафақат хонанда, айни пайтда яхшигина шоир, дидли бастакор ҳам. Машҳур композитор Коракораев мусиқа басталаган “Сани орзуларам” ашуласининг матнини эслайлик. Ҳар бир санъаткорнинг шоҳ асари бўлади. Назаримда, Зайнабнинг ашулалари орасидан “Булбулим” ашуласини ана шундай шоҳ қўшиғи, дейиши мумкин. Ўзи мусиқа басталаган бу қўшиқни у шу қадар берилиб, юракдан куйладики, бу ашулани тинглаган ҳар қандай лоқайд одамнинг ҳам юраги зиркираб, вужуди жимирилаб кетади. Бу ашулани эшитиб ўтириб кўзига ёш олган тингловчиларни ҳам кўрганман. Аслида хонанданинг фақат овози эмас, балки кўзлари, юзлари, бутун вужуди куйлади.

Санъатни севган санъаткор санъатпарварларни ҳам севади, хурмат қиласди. Зайнаб тингловчиларга нисбатан чукур хурмат ва эҳтиром сақлайди. У илк бор саҳнага чиққанини, ўшанда жуда қаттиқ ҳаяжонга тушганини кечагидай эслайди. Номи танилиб, машҳур хонанда бўлиб етишганда ҳам ўша ҳаяжон уни тарк этгани йўқ. “Ҳар гал концерт бошланишида – саҳнага чиққидан олдин вужудимни ажаб бир хавотир, ҳаяжон куршайди. Ўзимни жиддий имтиҳонга кираётган талабадай ҳис қиласман”, дейди у. Ҳа, санъатни, томошабинни хурмат қилган ҳар қандай санъаткорда ана шундай туйғу бўлиши табиий.

Ана, улкан прожекторлар нурида ялтираб турган



зар парда очилиб, қувноқ куй янгради. Бир дамдан сўнг ўрта бўй, қалин, тим қора соchlari нозик елкаларини қоплаган, шаҳло кўзлари ўтдай ёниб турган хонанда мусиқа оҳангига мос ҳаракатлар билан чиқиб келди саҳнага. Зални томошабинларнинг гулдирос карсаги тутди. Хонанда майин жилмайиб, мухташам зални тўлдириб ўтирган шинавандаларга таъзим қилди-да, ашулани бошлади:

*Тоғларнинг боши қора,  
Кўзларининг ёши қора  
Омон, омон, омон...*

\*\*\*

Озарбойжон адабиёти ва санъатига қизиқаман. Фузулий, Насимий, Мирзо Иброҳим, Расул Ризо, Сулаймон Рустам, Анар, Самад Вурғун, Юсуф Самад ўғли, Рустам ва Мақсад Иброҳимбековлар, Элчин, яна кўплаб озарбойжон шоир ва ёзувчилари асарларини ўқиганман. Анар, Юсуф Самад ўғли, Элчин асарларидан намуналар таржима килгандман.

Рашид Бехбудов, Булбул Мамедов, Муслим Магомаев, Зайнаб Хонларова ашулаларини жуда ёқтираман, қайта-қайта эшигтим келаверади. Зайнаб 1980 йилда Тошкентда биринчи марта концерт берганида санъатнинг қудратига, хонанданинг маҳоратига қойил қолганман. Зайнаб Хонларова кейин яна бир неча марта концерт берди Тошкентда. “Ҳалқлар дўстлиги” саройининг салқам беш минг ўринли залида биронта бўш жой қолгани йўқ, аксинча, қарийб уч соат давом этган концертни тик туриб томоша қилганлар бўлди. Ҳайратланарлиси шундаки, бутун концерт давомида фақат ўзи куйлади, баъзи хонандалар концертидаги каби ора-чора қизиқчими, шоирми ёки бошқа хонандами чиқмайди саҳнага. Ҳонанданинг маҳоратига, кучига, овозининг сехрига маҳлиё бўлмай иложингиз йўқ. Баринижонли ижро этади, фонограмма деган тушунча ҳам йўқ. Концерт бир неча кун давом этгани эсимда. Энг муҳими, бирон-бир ортиқча ҳаракат, бачканалик, енгил-елпи, олди-қочди гаплар йўқ. Томошабинларга “азизларим” деб хурмат билан мурожаат қиласди. Куйлаётган ашуласига мос, ўзига жуда ярашган ҳаракатлари-ракслари томошабинни локайд қолдирмайди, балки завқ бағишилайди.

Бу машҳур хонанда билан Тошкентда, Бокуда бир неча марта сухбатлашганман. У пайтларда хонандаларнинг грампластиинкалари чиқарди, ҳозиргидек дисклар, флешкалар қаёқда дейсиз! Зайнаб Хонларова бир неча грампластиинкасига дастхат ёзиб берган эди.

Унинг ашулалари кўплаб ижодкорларга илхом берган. Жумладан, таникли ўзбек шоири Машраб Бобоев “Зайнаб” деган шеър ёзган эди. Шеърда машҳур хонанданинг ижро маҳорати таърифланган бўлиб, кўйидаги сатрлар билан якунланган:

*Қўшиқ ҳам бўлмасди оламда, Машраб,  
Қўшиқдан яралган Зайнаб бўлмаса.*

Камина бу хонандага бағишиланган “Софин” деган хикоя битган эдим.

Зайнаб Хонларова ўзбек қўшиқ муҳлисларининг ҳам севимли хонандасига айланган. Ҳозир ҳам Ўзбекистон телеканалларида, радио тўлқинларида унинг ашулалари тез-тез кўйиб турилади.

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ**